1 6 ФЕВ 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 40 (20. 607) • 1990 йил 16 февраль, жума • Баҳоси 3 тийин.

Газета саҳифаларида

● 2-бет:
Республикамиз иқтисодиётини соғломлаштириш йўлида

● 3-бет:
Сайлов арафасида: халқнинг муносиб номзодлари

● 4-бет:
Инсонийлик муносабатлари қадри бебаҳодир.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

ЖАДАЛ ВА ҚАТЪИЙ ҲАРАКАТЛАР ЗАРУР

● Сессиялар ўртасидаги танаффус асло дам олиш вақти эмас, балки депутатлик ишининг бошқа шаклидир. СССР халқ депутатлари ўтган «парламент таътили» даврида ҳам айниқса зўр бериб меҳнат қилдилар: парламентимизнинг комитетлари ва комиссияларида СССР Олий Советининг учинчи сессияси муҳокамасига қўйиладиган бир қанча жуда муҳим қонун лойиҳалари хусусидаги қизғин мунозаралар давом этди.

СССР Олий Советининг учинчи сессияси аввал белгиланганидек 14 февраль эрталаб соат 10 да Кремлда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси билан очилди. Ишчанлик вазиятида ва айни вақтда ҳозирги пайтнинг хусусияти важидан ташвиш вазиятида очилди.

СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев сессияни оча туриб мана шуларни эслатди.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг СССР Олий Совети учинчи сессияси очилишида сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! СССР Олий Советининг учинчи сессиясини очар эканман, сессия кўриб чиқадиган масалаларнинг характери жиҳатидан у одатдаги парламент йиғилиши доирасидан анча кенг бўлишини тўла ишонч билан айтишни истардим. Сессияда амалга оширилиши жамиятимиз тараққиётида туб, сифат ўзгаришларига олиб келадиган қонунлар қабул қилиниши зарур. Сессиянинг мамлакат турмуши учун аҳамияти ҳам, сизлар билан бизнинг улуғвор масъулиятимиз ҳам ана шу билан белгиланади.

Биз ўз ишимизни бошлаётган вазиятнинг хусусиятлари тўғрисида гапирмай бўлмайди. Энг муҳими — қайта қуриш турмушнинг барча соҳаларини ва аҳоли қатламларини қамраб олиб, демократия, ошкоралик, озодлик, одамларнинг эркин фикрлаши ва ташаббус кўрсатиши жиҳатидан қараганда кўп нарса берди. Инқилобий янгиланишга қаратилган йўл мамлакатнинг ижтимоий тараққиётини кескин жадаллаштиргани рад этиб бўлмайдиган фактдир.

Шу билан бирга халқ депутатларининг иккинчи Съездида ҳам, партия Марказий Комитетининг Пленумида ҳам таъкидланганидек, мамлакатда қайта қуриш жараёнларининг борыши, суръатлари ва натижаларидан, истеъмол бозоридаги аҳволдан, миллатлараро муаммолар кескинлашганлигидан, тартиб бўшашиб кетганлигидан норозилик пайдо бўлди ва кучаймоқда.

Ҳозир амалда жамият ўз талабида якдилдир — барча йўналишлардаги ишларни кучайтириш, ишчанлик ва масъулиятни кескин ошириш, тартиб ўрнатиш, интизомни мустаҳкамлаш зарур. Умуман, ўртоқлар, биз биринчи навбатда иқтисодиёт соҳасида жадал ва қатъий ҳаракатлар зарур бўлган маррага етиб келдик.

Халқ депутатларининг Съезди иқтисодиётни соғломлаштириш юзасидан ҳукумат таклиф этган шошилинч ва иқтисоқлга мўлжалланган тадбирларни тасдиқлади. Аммо бу тадбирлар қанчалик аҳамиятли бўлмасин, бор-йўғи программа бўлиб, унга кўра ҳукумат ҳам, унинг қарамоғидаги қўйидан то юқоригача бўлган идоралар ҳам, албатта, мамлакат меҳнат коллективлари ҳам кун сайин сабот билан иш олиб боришлари зарур.

1990 йилнинг ўтган бир ярим ойи ҳозирча хавотирлигимизни камайтирмади. Белгиланган тадбирларни амалга оширишда марказий органлар даражасида анчагина қолоқлик ва тарқоқлик содир бўлмоқда. Оддий ишчанлик етишмайди, бундай вақтда ҳеч кимнинг қўл қовуштириб ўтиришини кечириб бўлмайди. Иқтисодиётни бошқаришнинг заиф жараёни ҳозирча тўхтатилмади. Корхоналар ўртасида бевосита хўжалик алоқалари суст йўлга қўйилмоқда, монополиячиликни, гуруҳлар манфаатларини чеклаш воситалари ишга солинмаяпти. Буни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас, ҳаракат қилиш зарур. Ҳали иқтисодий ёндашувлар ишлаб чиқилмаган жойларда эски ёндашувларни қўлланиш керак. Ўтиш даври шу билан ажралиб турадики, ҳозирги вақтда ҳар иккала ёндашувларнинг биргаликда амалга оширилишига йўл қўйиш мумкин. Бунда, албатта, янгиликка, олға томон ҳаракатга асосий эътибор бериш лозим.

Агар кимларгадир ваколатлар етишмаса — бундай ваколатлар берилиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш даркор. Аммо агар маҳорат ёки шунчаки масъулият етишмаса, унда бутунлай бошқача гаплашиб олиш лозим.

Ғоят кўп нарса ҳукуматга, марказий, органларга сўзсиз боғлиқдир. Бироқ белгиланган программанинг бажарилиши учун, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил ва озиқ-овқат саноати, хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо соҳаси — аҳолининг кундалик эҳтиёжларига тааллуқли барча соҳаларда жуда катта масъулият республика, маҳаллий органлар зиммасига тушади.

Жойлардаги кадрларимиз тайёрга айёрлик қайфиятларидан секинлик билан халос бўлмоқдалар. Кўпгина ҳолларда уларнинг бепарволиги ва айтиш мумкинки, масъулиятсизлиги туфайли ижтимоий кескинлик рўй бермоқда. Темир йўл транспортининг иши деярли издан чиққанлиги, ҳамма жойда вагонлардан ўз вақтида юк туширилиши йўлга қўйилмаганлиги аёндир. Натижада эса халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, бутловчи буюмлар, хом ашё, корхоналарнинг барқарор ишлаши учун зарур бўлган бошқа моддий ресурслар манзилга етказиб берилмаяпти.

Биз ҳозир шундай иш кўришимиз керакки, шошилинч чоралар бир вақтнинг ўзида, ўзаро боғлиқ ҳолда қабул қилинсин ва иқтисодий ислоҳот олға томон дадил борсин. Бу, айтиш мумкинки, масаланинг икки жиҳатидир. Ислоҳот йўлида меҳнат унумдорлиги ва ташаббусни ривожлантиришнинг янги қудратли омиллари жорий этилишини таъминлаш, хўжалик юритишнинг янги шаклларига йўл очиб бериш лозим. Бошқача йўл йўқ, бу хусусда жамиятда келишувга эришилган. Сўнгги вақтдаги тажриба бугунги кундаги барча ўткир муаммоларни айни бутун хўжалик механизмини, айниқса ишлаб чиқариш муносабатлари бутун системасини қайта қуриш йўлида тубдан ҳал этиш мумкинлигидан яна бир бор далолат бермоқда. Қайта қуришда, туб иқтисодий ислоҳотда сусткашлик бугунги қийинчиликларимизни янада кескинлаштириши мумкин. Бу борада кўп нарса Олий Советга, унинг мазкур сессиясига боғлиқ бўлади. Мамлакат ушбу сессиядан энг аввало мулкчилик ва ер тўғрисидаги қонунларни, шунингдек иқтисодий қонунларнинг бутун мажмуасини кутмоқда.

Бошқа соҳаларда ҳам ислоҳотлар, ўзгартиришлар зарурлиги ғоят сезилмоқда. Миллатлараро муносабатларни олиб кўрайлик. Ҳозирги вақтда биз ҳаммамиз бир қанча регионларда рўй бераётган воқеалардан ташвишга тушмоқдамиз. Совет федерациясини тубдан ўзгартиришни жадаллаштириш йўли билангина одамлар қурбон бўлишига ва моддий талафотларга олиб келадиган қийин муаммоларни чинакам ҳал этиш, марказдан қочирма, айирмачилик каби хатарли тенденцияларни тўхтатиш мумкинлиги тобора яққол бўлиб қолмоқда.

Бошқа нарса: бу йўлдаги тадбирлар барча миллат кишилари қаерда яшашидан қатъи назар, уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатъий ҳаракатлар билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши зарур эканлиги ҳам аёндир.

Биз ҳаммамиз мамлакатимиз жанубидаги воқеалар фожиали тус олганлигидан қаттиқ қайғурмоқдамиз. Бу воқеалар одамларнинг ҳалок бўлишига, улар ўзлари яшаб турган ерлардан оммавий равишда қувилишига олиб келди.

Мен ўз яқинларини йўқотган ҳамда уйлари, доимий истиқомат жойларини ташлаб кетиб, қулфатга йўлиққан оилаларга Олий Совет номидан чуқур ҳамдардлик билдиришни ҳоҳлар эдим. Узоқ вақт мобайнида юзага келган мураккаб масалаларни сиёсий ҳал этиш йўлларини кидириш учун барча ишлар қилинди. Лекин минглаб одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш учун бошқа ҳеч қандай илож қолмагач, Олий Совет Президиуми фавқулодда чоралар кўришга мажбур бўлди. Ҳозир у ердаги аҳвол агар таъбир жоиз бўлса, назорат қилинмоқда, бироқ аҳвол ҳали ҳам кескин бўлиб турибди. Биз аввал келишиб олинганидек, юзага келган вазиятни қараб чиқиш ва умумий куч-ғайратлар билан оқилона ёндашув топишга яна бир бор уриниш учун алоҳида вақт ажратишимиз керак. Менга айтишларига қараганда, республикаларнинг ҳам шундай хоҳиши бор.

Ҳаёт Олий Советнинг бундан аввалги сессияси қарорлари тўғрилигини кўрсатди ва бу қарорларнинг рад этилиши оғир оқибатлари бўлган фожиаларга олиб келди. Ваҳолонки ушбу қарорларнинг асосий мазмуни икки халқ манфаатларини уйғунлаштириш, Озарбайжоннинг суверен ҳуқуқи ва бутунлигини тасдиқлаш ҳамда Тоғли Қорабоғ халқининг Озарбайжон ССР таркибида ривожланиши учун барча зарур кафолотларни таъминлашга қаратилган эди. Бизнинг мақсадимиз шундай ва у ушбу масалага қайтган вақтимизда эътибор қилишимизга моликдир.

Бокудан алангаси Душанбе шаҳрига ўтган сўнгги воқеалар ҳам миллатлараро адоватнинг ниҳоятда хавфли эканлигидан дарак беради. Бу воқеалар зўравонлик авж олган ўзига хос занжир реакциясидир. Бу ерда гап, ўртоқлар, мамлакатимиз тақдири ҳамда гражданларимизнинг хавфсизлиги ҳақида бормоқда. Биз ёнгинни тўхтатиш учун барча ишларни қилишимиз керак. Миллатчилик эҳтиросларини авж олдираётган ва тўқнашувлар келтириб чиқараётганларга жуда қаттиқ туриш, уларга қарши ҳаракат қилиш лозим.

Бу одамлар разилона ҳаракат қилмоқдалар, ўзларини сояга олиб, кўпчилик орасидан туриб ёшларни, болаларни, хотин-қизларни олдинга олиб чиқмоқдалар, уларни сал бўлмаса, тўппонча ўқталиб, қонунга хилоф равишда Конституцияга қарши гаплар айтишга ва ҳужжатларга қўл қўйишга мажбур қилмоқдалар.

Биз халқларни миллий уйғониш шиорлари остида ўз нафсониятлари, тор доирадаги худбинлик мақсадларида курашга тортаётганларга нисбатан қонуннинг бутун кучини қўлланишимиз керак.

Тегишли қонун лойиҳаси Олий Советга тақдим этилди. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига иложи борича тезроқ қўлланиш учун уни муҳокама қилиш ва қабул этишга тайёрлашни топшириш мақсадга мувофиқдир. Бу ишни секинлаштиришга ҳаққимиз йўқ.

Ўртоқлар! Жамиятимизга сиёсатнинг ниҳоятда сингиб кетганлиги бугунги вазиятнинг ўзига хос хусусиятидир. Қайта қуришнинг асосий мақсадларидан бири шунда ва бугун ниҳоятда кенг халқ оммаси давлат ва жамият ишларини амалда бошқаришга киришаётганликларини фақат табриклаш мумкин. Республикаларда ва жойларда сайлов тугаганидан кейин Советларнинг яхлит, янги структураларини тузиш ниҳоясига етказилади. Бу аслида сиёсий системамиз фаолият кўрсатишида туб ўзгариш бўлганлигини билдиради. Марказий Комитет февраль Пленумининг СССР Конституцияси олтинчи моддасини ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги таклифи ҳам бу жиҳатдан принципиал аҳамиятга эга.

Буларнинг ҳаммаси биргаликда, шунингдек кўплаб янги жамоат ташкилотларининг пайдо бўлиш жараёни давом этаётганлиги мамлакатимизда янги вазиятни вужудга келтиради, халқнинг куч-ғайратини қайта қуриш манфаатларида бунёдкорлик ўзанига йўналтириш имконини беради. Биз митингларда ва намойишларда қайта қуришнинг боришини жадаллаштириш учун курашаётган, бюрократизм, хўжасизлик, масъулиятсизликка қарши курашни кучайтиришни, қонунларга қатъий риоя этилишини, жиноятчилик ва порахўрликка қарши кураш юзасидан амалий чоралар кўришишни, транспорт, савдо ва хизмат соҳасида, шаҳарларимиз ва посёлкаларимиз кўчаларида тартиб ўрнатилишини талаб қилаётган совет кишиларининг интилишларига худди ана шу нуқтаи назардан қараймиз. Буларнинг ҳаммаси демократия, ошкоралик, қайта қуришни ривожлантиришнинг табиий жиҳатларидир.

Шу билан бирга, ўртоқлар, сизнинг эътиборингизни масаланинг бошқа томонига ҳам жалб этишни хоҳлардим. Жамоатчилик ташаббуси билан жунбушга келган ана шу ҳайрли демократик жараёндан мақсадлари халқ манфаатларидан ва жамиятни революцион янгилаш эҳтиёжларидан узоқ бўлган кишилар фойдаланиб қолмасликлари биз учун жуда муҳимдир. Айни вақтда маъмурларга бўйсунмасликка ундаш, қонунларни бузишга, зўравонликка даъват этиш, онгли равишда норозиликларни авж олдиришга, ваҳима туғдиришга уринишларни эътибордан четда қолдирмаслигимиз ва уларга тегишли баҳо беришимиз керак. Айбдорлар қонун олдида қаттиқ жавоб беришлари лозим.

Биз тузишни хоҳлаётган ҳуқуқий давлат энг аввало жамиятдаги мавжуд турли-туман қарашлар ва манфаатлар ўзини бемалол ошкора сиёсий тузилмалар доирасида ўзини ҳимоя қилиш, ўз мақсадларига сиёсий воситалар ёрдамида эришиш имкониятига эга бўлиш билан фарқ қилади. Бутун моҳият мана шунда ўртоқлар. Чунки биз эркин сайловларни нима учун жорий этдик. Съезд ва Олий Совет нима учун ишлаяпти, кенг ошкоралик нима учун қарор топяпти, жамиятни демократиялаш нима сабабдан авж олмоқда ва чуқурлашмоқда, деган саволлар туғилмоқда. Конституцияга амал қиладиган барча гражданлар ва ташкилотлар ошкора сиёсий жараёнда қатнашишлари мумкин. Сабрсизлик, зўравонлик, тўс-тўполонни афзал кўрадиганларни эса ўзларини демократлар, хилма-хил фикрлар ва эркин ғоялар муҳокамасининг тарафдори қилиб кўрсатаётган кишилар қаторига ҳеч қўшиб бўлмайди. Матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларимиз ҳам бунёдкорлик жараёнларини вайронагарчиликдан аниқ фарқлаб олишлари кераклигини ҳам айтмоқ лозим. Улардан тартибсизликлар, низолар ва зўравонликлар келтириб чиқарувчи карнай сифатида фойдаланишга эса умуман йўл қўйиш мумкин эмас.

Хусусан ёш, ҳали куч-қувватга тўлмаган демократиямизни ҳимоя қилиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш биздан қатъий ҳаракатларни талаб этади. Бугун қандайдир шахсий манфаатлар ва юмушлар, фақат аҳоли айрим табақалари ва гуруҳларининг фаровонлиги олдимизга мақсад қилиб қўйилган эмас. Бу ерда гап қайта қуриш қандай бўлиши, унинг демократия ва тотувлик йўлидаги олижаноб мақсадларига гражданлар ва миллатлараро адоватларсиз, зўравонликсиз эриша олишимиз мумкинлиги тўғрисида кетяпти. Қайта қуриш рўй бераётган жараёнларга кўплаб турли ёндашувлар, фикр-мулоҳазалар, қарашларни келтириб чиқарди. Бу нормал ҳол, бу жараён — ишонч билан олдиндан айтиш мумкинки — бундан кейин ҳам ривожланади. Лекин биз ҳозир энг муҳим нарсада: қайта қуришнинг ўзини ҳимоя қилишда якдил бўлишимиз керак.

Сўзимнинг охирида у ёқ бу ёққа оғмасдан, жуда катта имкониятларимизни ҳам, бизга хавф солаётган хавф-хатарларни ҳам муттасил ўйлаган ҳолда ишлайлик. Қаттиқ ишлайлик ва қатъий равишда олға қараб ҳаракат қилайлик, демоқчиман.

Фақат шундагина давлатимиз олдида турган жуда катта вазифаларни ҳал қилишимиз мумкин.

СССР Олий Совети фаолиятининг ана шу масъулиятли босқичидаги ишда сизларга муваффақият тилашга ижозат бергайсиз. СССР Олий Советининг учинчи сессиясини очиқ деб эълон қиламан.

Депутатлардан бирининг таклифига биноан сессия Кавказортидаги воқеалар пайтида ҳалок бўлганларнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олди.

СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари **А. И. Лукьянов** сессиянинг иш тартиби қандай бўлиши кераклиги ва қайси масалаларни кун тартибига киритиш лозимлиги хусусидаги таклифларни киритди.

Аввало халқ депутатлари иккинчи Съездининг топшириқлари, комитетлар ва комиссияларнинг мулоҳазалари, шунингдек халқ депутатларидан, меҳнат коллективларидан, гражданлардан Олий Советга тушган истаклар мазкур таклифларга асос қилиб олинди, деди у. Мамлакатдаги вазиятнинг ўзи ҳам, ижтимоий тараққиётимизнинг энг ўткир ва қийин муаммоларини имкони борича эътиборга олиш муддаоси ҳам масалаларни танлаб олишга сезиларли таъсир қилди.

Кун тартибини белгилаш вақтида Қонун чиқарувчилик ишини демократиялаш жараёнини чуқурлаштириш, ижтимоий турмушнинг турли соҳаларида туб ўзгаришларни амалга ошириш сари қатъиян йўналтириш зарурлиги эътиборга олинди. Аввало иқтисодий ислоҳот, сиёсий структуралардаги, федерациямизни ривожлантиришдаги ўзгаришлар, қонунийлик ва интизомни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масалалари шу жумлага киради. Илгари Олий Совет қабул этган қарорлардан келиб чиқадиган масалаларни ҳам кун тартибига киритиш тавсия этилади.

Ниҳоят, СССР Олий Совети «қўлидаги» қонун лойиҳаларининг тайёрлик, пухта ишланганлик даражаси ҳам эътиборга олинди. Аввалги икки сессиянинг тажрибаси старли равишда текшириб кўрилмаган, гўр ҳужжатларни муҳокама қилишга баъзан вақт беҳуда исроф бўлаётганини кўрсатганлиги учун ҳам буни айтиб ўтиш муҳимдир. Шу сабабли кун тартибида баъзи бир муҳим масалаларнинг йўқлигини уларни муҳокама қилишни истамаслик деб эмас, балки у ёки бу қонун лойиҳаларини қўшимча равишда ишлаб чиқиб, мукаммал ҳолатга келтириш имкониятини бериш деб англамоқ керак.

Ҳаммаси бўлиб кун тартибига 50 та масалани киритиш таклиф қилинади, шундан салкам 30 таси биринчи галда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалардир. Уларни шартли равишда бир неча асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлур эди. Улар, аввало, Конституцияни ривожлантириш, мамлакатнинг асосий қонуни бир қанча муҳим қоидаларини ўзгартириш, иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг энг муҳим муаммолари, ижтимоий сиёсат, совет федерациясини ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалалари, сиёсий ислоҳот, ҳуқуқий ислоҳот муаммолари ва ниҳоят, ташкилий масалалардир.

Нотиқ халқ депутатларининг иккинчи Съезди СССР амалдаги Конституциясининг сиёсий ва иқтисодий системалар асосларини, шунингдек СССРнинг миллий-давлат тузилишини тартибга солиб, бир қанча қоидаларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни пухта ишлаб чиқишни зарур деб топганлигини эслатиб ўтди. Олий Советга шу масалаларга оид таклифлар пухта ишлаб чиқилганидан кейин уларни съезд муҳокамасига тақдим этиш топширилган эди.

СССР Олий Советининг Президиуми бу муаммони яна бир бор батафсил таҳлил этиб, яқин вақт ичидаёқ Конституцияга киритиладиган мана шундай ўзгартишларни Олий Совет ва халқ депутатлари Съезди муҳокамасига киритиш зарур, деган якдил бир хулосага келди. Бу ўзгартишлар Асосий қонундаги партиянинг ва бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг ўрни тўғрисидаги олтинчи ва еттинчи моддаларига, мулкчиликнинг турли формаларига бағишланган моддаларига, шунингдек мамлакат президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида депутатлар, гражданлар, илм-фан аҳли бир неча бор ўртага қўйган таклиф муносабати билан давлат ҳокимиятининг олий органлари ваколатларини белгилаб берувчи қоидаларга дахлдордир.

Шу масалаларни кўриб чиқиш учун СССР Олий Совети Президиуми СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездини чақириш ҳақида таклиф киритди.

Шундан кейин А. И. Лукьянов сессия муҳокамасига тақдим этилган қонунларнинг лойиҳалари устидаги иш қандай бораётганлиги ҳақида батафсил ахборот бериб, уларнинг ҳар бирини таърифлаб ўтди.

СССР Олий Советининг учинчи сессияси 25 апрелга қадар ишлайди. Депутатлар шундай қарорга келишди.

15 февраль куни сессия ўз ишини давом эттирди. Кунниг биринчи ярмида палаталарнинг навбатдаги қўшма мажлиси бўлди.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

14 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди.

1990 йилда Ўзбекистон Компартиясида ҳисобот ва сайлов ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бюро Ўзбекистон Компартияси область комитетларининг съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясини қуйидаги муддатларда: партия комитетлари ва партия бюролари бўлган цех ва бошланғич партия ташкилотларида йиғилишларни 10 мартдан 15 апрелгача ўтказиш тўғрисидаги таклифларини маъқуллади. Партия группаларида, шунингдек камида 15 нафар КПСС аъзоси бўлган ҳамда ҳисобот ва сайлов йиғилишлари 1989 йилда ўтказилган цех ва бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ана шу муддатларда ўтказиш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини шаҳар ва район партия комитетларига бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда аниқлаш вазифаси топширилди. Шаҳар, район партия конференцияларини апрель—май ойларида, область партия конференцияларини май ойида ўтказишга қарор қилинди.

Муҳокама чогида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида партия ташкилотлари, сайлаб қўйиладиган партия органлари ва коммунистларнинг қайта қуришнинг ҳозирги ғоят мураккаб босқичида тутган ўрни ва роли тўғрисидаги принципиал масалалар кўриб чиқилиши кераклиги таъкидланди. Регионда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, умуман сайлаб қўйилган орган, шунингдек унинг ҳар бир аъзоси фаолиятига принципиал баҳо берилиши лозим. Ҳар бир партия аъзосининг эркин ҳоҳиш-иродасини таъминлаб, демократик воситалар орқали сайлаб қўйиладиган янги партия органларини тузиш ва партия конференцияларига, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига ҳамда КПССнинг XXVIII съездига делегатлар составини белгилаш, партия кучларини қайта гуруҳлаш, етилган кадрлар масалаларини ҳал этиш керак бўлади.

Йиғилишлар ва конференцияларда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави, Ўзбекистон Компартияси Сиёсий ҳаракат программасининг лойиҳалари, шунингдек партия ташкилотларининг ана шундан келиб чиқадиган вазифалари кенг муҳокама қилинади.

Марказий Комитет Бюроси Марказий Комитетнинг аъзолари ва аъзоликка номзодларига, Ўзбекистон Компартияси Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини тайёрлашда зарур ёрдам бериш ҳамда уларнинг ишида фаол қатнашишни тавсия этди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Самарқанд область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Н. Р. Ражабовнинг уни КПСС сафидан чиқариш тўғрисидаги қарорни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризасини муҳокама қилди. 1988 йилда партия турмуши нормаларини бузган, хизмат мавқеини суиистеъмол қилган ва порахўрлик билан шуғулланган, деб унга қўйилган айблар бекор қилинганлиги муносабати билан Бюро ўртоқ Н. Р. Ражабовга нисбатан илгари қабул қилинган қарорни асоссиз деб бекор қилди. Ўртоқ Н. Р. Ражабовни КПСС сафига ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети составига қайта тиклаш тўғрисидаги масалани Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленуми муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Марказий Комитет Бюроси ўртоқ Н. Р. Ражабовни Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимига тавсия этди.

Бюро мажлисида республика ижтимоий-сиёсий турмушига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПАРТИЯ XXVIII СЪЕЗДИГА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИНИ УҚИБ

ТАШАББУСКОР БЎЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси совхозимиз меҳнаткашлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилмоқда. Унда партиянинг халқ фаровонлигини кўзлаб иш юритаётгани, ўз фаолиятини меҳнаткаш турмуш тарзини яхшилаш, ҳуқуқий давлат барпо этишга қаратаётгани яққол сезилиб турибди. Менга айниқса «Инсон — партия сиёсатининг марказида» деб номланган бобда айтилган сўзлар маъқул бўлди. Жумладан, КПСС XXVII съезди олға сурган уй-жой программасини амалга ошириш партиянинг доимий эътиборида бўлиши ғояси айни муддао. Шу ўринда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бу борада амалга ошираётган ибратли ишларини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

Ҳаракат дастурида ногиронлар, уруш ва меҳнат ветеранларига ғамхўрлик, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ҳам қайта қуриш талабларига ҳамоҳангдир. Чунки ўзига ва атрофдагиларга ғамхўрликни, меҳнат кишисининг эзгулик ва ҳалоллигини сезган, ҳар бир киши ҳеч қачон халқ олдида, Ватан олдида бебурдлик қилмайди.

Шу ўринда мен янгиланаётган партияда коммунистларнинг доимо ташаббускор, ташкилотчи ва энг муҳими, меҳнатсевар бўлишини истардим. Бусиз жуда катта ҳажмдаги тадбирларни ўз ичига олган Ҳаракат дастурини амалга ошириб бўлмайди. Партиянинг қўйи звеноларида эса ҳозирча бу хусусиятлар сезилмайди.

Мен партиясизман. Аммо қайта қуриш ғоясини бошлаган КПСС фаолиятига бефарқ қараб туролмайман. Чунки Ленин партияси Улуғ Октябрь ғалабасидан кейинги бутун даврда мобайнида мамлакатда нимаики ўзгаришлар юз берган бўлса, барчасига раҳнамолик қилди. Бу даврда партиянинг айрим раҳбарлари томонидан йўл қўйилган нуқсон ва хатоликларни ҳам фақат партиянинг ўзи тузата олишини яхши биламиз.

И. ҚУРБОНОВ,
Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхози механизатори.

ДАВР РУҲИГА МОС

Февраль Пленумида алоҳида таъкидланганидек, қайта қуришнинг муваффақиятини таъминлашда коммунистлар намуна бўлишлари керак.

Мен шу ҳақда ўйлаганимда республикамизда кейинги вақтларда бошланган хайрли ишларни, уларни амалга оширишда жонкуярлик кўрсатаётган замондошларимизни, КПССнинг жанговар отрядларидан бўлган Ўзбекистон Компартиясининг ташаббуси билан қабул қилинган қарорларни мисол қилиб кўрсатгим келади.

Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг 1989 йил ноябрь ойида қабул қилинган қарори халқ дилидаги тадбир бўлди. Бу қарорда Тошкент аҳолисининг яшаш шароитлари ва имкониятларини 1990—1995 йиллар мобайнида янада яхшилашнинг аниқ чора-тадбирлари кўрсатиб берилди. Бу ишни амалга оширишда оддий инженер-техник, лойиҳачи, қурувчи-ю меъморлардан тортиб, шаҳар партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларигача жонкуярлик кўрсатишларини лозим.

Бошқа маданият ходимлари каби биз, меъморлар ҳам бу лойиҳадан ўзимизга кераклиларини чиқариб олдик. Энди уй-жой массивлари, район марказлари ва шаҳарларни, ҳатто мактаб, болалар боғчаси ва маиший хизмат муассасаларини бунёд этишда республикамизга хос регионал хусусиятларга, халқ анъаналарига амал қилмоғимиз, уларни ложи борича ривожлантирмоғимиз керак.

Пойтахтимизда неча асрлардан бери ташкил бўлиб ривожланиб келаётган маҳаллаларга эътибор бериб, уларни келгуси авлодларга ҳам етиб борадиган даражада сақлаб қолиш, ривожлантириш чораларини ҳам ўйлаб кўришимиз зарур. Шу ўринда шаҳар ижроия комитети қарори билан Тошкентни тиклаш давлат қурилиш бирлашмаси ташкил қилинганлигини айтиб ўтмоқчиман. Бу ташкилотнинг вазифаси лойиҳачи ва меъморлар кўмагида эски шаҳарнинг янги қиёфасини яратишдир.

Биз ўз иш жойимизда зиммамизга юклатилган вазифани қанчалик пишиқ-пухта уддаласак, КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурини ҳаётга татбиқ этишга шунчалик ҳисса қўшган бўламиз.

С. ОДИЛОВ,
Тошкент шаҳрининг бош архитектори.

РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Янгиланган совет федерациясини шакллантиришга ёндашувларни жадал излаш республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни бошқаришга, Иттифоқ маркази ва мамлакатимиздаги бошқа регионлар билан чиқишган тенг ҳуқуқли шериклик муносабатларини ўрнатишга доир янги хўжалик механизмини ишлаб чиқишдек долзарб вазифаларни ўртага қўяди. Ана шу мураккаб ва кўп қирралы масалалар мажмуи Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикаминг суверен ҳуқуқларини, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашини кенгайтириш негизида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш комиссиясининг 11 февраль куни бўлган кенгайтирилган мажлисида чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг аъзолари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва илмий ташкилотларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг вакиллари, олимлар ва мутахассислар қатнашдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон ССРни хўжалик, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш бутун жараёнини бошқаришда республиканинг ҳуқуқларини тубдан кенгайтириш зарурати етилганлиги таъкидланди. Бунда республиканинг ягона халқ хўжалик комплексидаги иштироки жуда катта аҳамиятга эга, бироқ умумиттифоқ даражасида ихтисослашиш йўналишларига анча жиддий ўзгартишлар киритилиши, у теппа-тенг алмашинувга асосланиши ва республика иқтисодиёти самарали ривожланишини таъминлаш керак. Яқин ўтмишда тармоқ идораларининг ҳукмдорлиги (регионлар бундай ҳукмдорликдан ҳалигача тўла қутулганлари йўқ) ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришда кескин номутаносибликларга, асосан ресурс тармоқлари бесунақай ўсишига олиб келди, илм-фан ютуқларидан фойдаланадиган, техникавий жиҳатдан илғор ишлаб чиқаришларнинг ва айниқса ижтимоий соҳанинг жиддий орқада қолишига сабаб бўлди. Натижада республика ўзининг дастлабки шарт-шароитларига кўра бошқа кўп регионлар ва Иттифоқ ўртача кўрсаткичларидан ҳозир анча орқада қолмоқда.

Бундай аҳволда ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишнинг босқичма-босқич механизмини қандай ишлаб чиқиш мумкин?

Муҳокама чоғида республикада етиштирилаётган хом ашё асосида маҳсулотни қайта ишловчи тармоқларни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги тайёр маҳсулот ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтириш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан республика ихтиёрида қоладиган маҳсулот, энг аввало пахта толаси, бошқа хом ашё ресурсларининг бевосита айирбошлаш орқали сотиладиган ва экспорт қилинадиган улушини асослаш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Комплекс хўжалик ривожланишини таъминлаш кенг доирадаги бирлашмалар ва корхоналарни республика ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳам кун тартибига қўяди. Шу билан бирга халқ хўжалигининг истисносиз барча тармоқлари аҳволини республиканинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан чуқур таҳлил этиш зарур.

Нарх белгилаш системаси издан чиққанлиги, иқтисодиётдаги структуравий бузилишлар туфайли молиявий баланслар, жумладан республика бюджети кейинги йилларда анча камомад билан якунланаётганлиги учун ҳам бу айниқса муҳимдир. Адолат юзасидан шуни таъкидлаш зарурки, республика хўжаликлари пахтачилик комплексини ва бошқа бир қанча ресурс тармоқларини ҳаддан ташқари ривожлантиришга йўналтирилганлиги бунда анча салбий роль ўйнади. Кенгаш қатнашчилари дастлабки шарт-шароитларни баравараштиришга марказ муайян ҳисса қўшиши зарурлиги тўғрисидаги масалани ўртага қўйдилар. Шу билан бирга республиканинг ўзидаги манбалар ва резерваларни сафарбар этиш муҳимлиги таъкидланди.

Олимлар, хўжалик ходимлари ва амалиётчиларнинг деярли барча нутқларида одамларни иш билан таъминлаш муаммоларини тубдан ҳал этиш, аҳолининг, айниқса кам таъминланган ва кўп болали оилалар, хотин-қизлар, пенсионерлар, меҳнат ва уруш ногиронларининг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш ғоят зарурлиги таъкидланди. Сўзга чиққан кишилар 1990 йилга белгиланган ижтимоий тусдаги комплекс тадбирларни юксак баҳолаб, ўн учинчи беш йилликда бундай тадбирларни кенгайтириш ва кучайтириш лозимлигини айтдилар. Хўжалик юритишнинг янги шаклларини жорий этиш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ва меҳнаткашлар даромадини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан. қабул қилинган томорқа участкаларини кенгайтириш ва деҳқонларга ер бериш, колхоз ва совхозларни мустаҳкамлаш билан бир қаторда кўплаб деҳқон хўжаликларини ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳозирги иқтисодий аҳволни, регионал шароитларни ва республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, мулк, ер, ижара ва бошқа масалаларга муносабатни пухта аниқлаб олиш керак бўлади.

Ғоят кенг маънода кадрлар тайёрлашни кескин яхшилаш вазифаси республика иқтисодиётини ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларига ўтказишнинг катта муаммоларини ҳал этиш билан узвий боғланган. Бу ўсиб келаётган ёш авлодга ғамхўрлик қилиш, унинг соғлиғини муҳофаза этиш, янада истеъдодли ёшларни тайёрлашга қаратилган тўлақонли таълим беришни ҳар томонлама кучайтиришни англатади. Аслида, бу ерда гап кадрлар тайёрлашнинг миллий программасини ишлаб чиқиш ва уни рўёбга чиқариш ҳақида бормоқда.

Ҳукумат комиссиясига республика илмий кучлари, жамоатчилик вакиллари, бирлашмалар ва хўжаликлар, территориал органларнинг раҳбарларини кенг жалб этган ҳолда республиканинг иқтисодий мустақиллик принципларига ўтиши концепциясининг вариантларини ишлаб чиқишни тезлаштириш топширилди.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетида журналистлар билан учрашувлар анъанага айланди.

15 февраль куни оммавий-ахборот воситалари вакиллари билан учрашувга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Ж. Ҳ. Ҳамидов ва Р. А. Попов келдилар. Мамлакатимиз ва республикамиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий турмушига доир кўплаб масалалар ўртага қўйилди. Булар энг аввало КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг якунлари, КПСС XXVIII съездига партия Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасининг қабул қилиниши, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови масалаларидан иборат. Республиканинг хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш усулига ўтиш муаммолари ошкора суҳбатда муҳим ўринни эгаллади, Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг истиқболли йўллари, «Иш билан таъминлашдек» жуда муҳим Давлат программаси амалга оширилиши тўғрисида гап борди.

Учрашувда ҳозирги мураккаб вазиятда, қайта қуриш жараёнларининг бурилиш даврида оммавий-ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришда фаол иштирок этиши, барча тараққийпарвар кучларнинг жипслашувида бирлаштирувчилик ролини ўйнаши, партия сиёсати ва мафкурасини, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини амалга оширувчи муҳим восита бўлиши керак, деб таъкидланди.

(ЎзТАГ).

ИШ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

15 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти меҳр-мурувват хизмати раҳбарларининг республика кенгаши ниҳоясига етди. Унинг қатнашчилари меҳр-мурувват хизматини ривожлантириш йўллари хусусида фикрлашдилар, Тошкент шаҳрининг Киров районида кексаларга, ёлғиз ва кам таъминланган гражданларга ҳар томонлама тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан бошланган тажриба қандай бораётганлиги билан танишдилар.

Кенгашда Фарғона меҳр-мурувват хизматининг кутилмаган шароитлардаги иш тажрибаси ўрганилди, бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

14 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди. Мажлисни республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров бошқарди.

Президиум Марказий сайлов комиссиясининг раиси Т. Х. Собитовнинг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ахборотини тинглади. Республикада сайловолди тарғиботи тугалланаётганлиги, сайлов кампанияси овоз беришга бевосита тайёргарлик кўриш босқичига кирганлиги айтиб ўтилди.

Ҳозирги вақтда ҳамма жойда сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари тайёрланиб сайлов участкаларига келтириб қўйилди, яширин овоз бериш учун кабиналар ва сайлов қутилари тайёрлаб қўйилди. Сайловчиларнинг рўйхатлари ҳамманинг танишиши учун ўз вақтида илиб қўйилди. Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг қоидаларига мувофиқ овоз бериш натижаларини тўплаш ва ишлаб чиқиш тартиби белгиланди, барча сайлов комиссияларини муқим ишлайдиган алоқа билан таъминлаш ишлари тугалланди. Сайлов участкаларида сайловчиларга маданий-маиший ва савдо хизмати, овоз бериш куни транспорт билан таъминлаш тадбирлари белгиланди.

Шу билан бирга айрим ҳолларда сайловолди тарғиботи давомида сайлов тўғрисидаги Қонуннинг бузилиш ҳолларига йўл қўйилганлиги таъкидланди. Айрим участка комиссиялари сайловчиларнинг рўйхатини тузиш, хоналарни овоз беришга тайёрлашга етарли масъулият билан қарамадилар. Бир қанча районлар ва шаҳарларда янги шароитда овоз бериш тартибини тушунтириш ишлари етарли фаоллик билан олиб борилмади. Бу камчиликларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда тугатилмоқда.

Президиум мажлисида Маданият министрлиги Алоқа министрлиги, Савдо министрлиги, Давлат матбуот комитети ва Ўзбекбирлашув раҳбарларининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловига тайёргарлик ишлари ҳақидаги аҳборотлари эшитилди.

Президиум Марказий сайлов комиссиясига овоз бериш чоғида ва сайлов якунларини чиқараётганида сайлов тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат этишни кучайтиришни, округ ва участка сайлов комиссияларининг нотўғри ҳаракатлари тўғрисидаги шикоятлар ва аризалари юзасидан ўз вақтида чора кўришни, овоз бериш якунларини чиқариш тез ва сифатли бўлишини ҳамда улар сайловчилар кенг оммасига етказилишини таклиф қилди. Республиканинг тегишли министрликлари ва идораларига маданий хизмат кўрсатиш ва сайловнинг моддий-техника таъминоти масалалари юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг халқ депутатлари шаҳар Советига сайловга тайёргарлик қандай бораётгани ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Президиум Тошкент шаҳрида сайлов кампанияси умуман сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ ўтаётганлигини таъкидлаб, шаҳардаги халқ депутатлари Советларига сайлов кампанияси барча тадбирлари уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлашни, сайлов комиссияларига кундалик аниқ ёрдам кўрсатишни топширди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига маҳаллий Советларнинг биринчи ташкилий сессияларига тайёргарлик, сайловчиларнинг наказларини ўрганиш ва умумлаштириш ишларини авж олдириш, совет органларининг савдо, аҳолига тиббий ва маиший хизмат кўрсатишда, уй-жой шароитларини яхшилашда тегишли тартиб ўрнатишга доир фаолиятини кучайтириш, шаҳар иқтисодиёти самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни кўриш тавсия этилди.

Президиум мажлисида республика ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТАТИСТИКА КОМИТЕТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Ўзбекистон ССР саноатининг 1990 йил январь ойидаги иш якунлари тўғрисида

Республика саноатида 1990 йилнинг январида ишлаб чиқарилган маҳсулот (қилинган иш, хизмат) ҳажми ўтган йилнинг январь ойига нисбатан 3,3 фоиз кўпайди. Шу билан бирга машинасозлик комплекси корхоналарида, «Агрохим» уюшмаси, СССР Электр техника асбоблари министрлиги, СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги, «Узбеклес» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат сув хўжалиги қурилиши комитети ва бошқа идораларнинг корхоналарида маҳсулот ҳажмининг камайишига йўл қўйилди.

Саноат маҳсулотининг энг муҳим турларидан 40 фоизи юзасидан ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмади ва ҳажми камайди.

Маҳсулот етказиб беришга оид шартнома мажбуриятлари 99,3 фоиз бажарилди (1989 йилнинг январида 98,4 фоиз бажарилган эди). Давлат буюртмасида ва истеъмолчилар билан бевосита алоқаларда белгиланган шартнома мажбуриятларининг бажарилишини бирлашма ва корхоналарнинг 10,6 фоизи таъминламади.

Истеъмолчилардан қарздорлик бир ой ичида 12 миллион сўмликни ташкил этди.

Металлургия комплекси (шартнома мажбуриятлари 98,6 фоиз бажарилган, 1,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмаган) ва машинасозлик комплекси (шартнома мажбуриятлари 99,0 фоиз бажарилган, 1,2 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмаган) ишидаги чигалликлар давом этмоқда. Қорақалпоғистон АССР (98,9 фоиз), Фарғона области (99,2 фоиз) ва Тошкент области (98,7 фоиз) корхоналарида шартнома мажбуриятларини бажариш даражаси паст.

1990 йилда маҳсулот етказиб бериш учун шартнома тузишнинг боришини 1990 йилнинг 11 январигача ўтказилган текшириш ёқилғи-энергетика комплексининг айрим министрликлари ва идораларида шартномалар тузишнинг аҳволи бирмунча яхшиланганини кўрсатди.

Шу билан бирга СССР Темир йўллар министрлиги, СССР Транспорт қурилиши министрлиги системасида, қурилишнинг ишлаб чиқариш-техника базаси корхоналарида ва бошқа соҳаларда шартномалар тузиш даражаси пастлигича қолмоқда. СССР Балиқ хўжалиги министрлиги ва Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги системасида, «Тараққиёт» Бутуниттифоқ акционерлик жамиятида шартномалар тўла ҳажмда тузилди.

Даромадни норматив тақсимлаш шароитида иш қилувчи (хўжалик ҳисобининг иккинчи модели) 101 та саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1989 йил январига нисбатан 4,8 фоиз ошди, бу умуман республика саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидан 1,5 баравар ортиқдир.

Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари 99,6 фоиз бажарилди, тўртта корхона истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини уддалай олмади. Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулотнинг умумий ҳажми 246 минг сўмликни ташкил этди.

Ижара муносабатлари шароитида ишлаётган 23 та корхонада ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 5,1 фоиз кўпайди.

Мазкур доирага мансуб корхоналарда маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятлари 99,4 фоиз бажарилди, истеъмолчиларга 0,1 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри бўйича саноатнинг иши тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича (фоиз ҳисобида):

	маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилиши	истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўмлик	шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналарнинг улуши	маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми кўпайишининг ҳақиқий суръатлари
Ўзбекистон ССР	99,3	12,0	11	3,3
Қорақалпоғистон АССР	98,9	0,5	8	—0,8
Андижон области	99,6	0,4	8	15,6
Бухоро области	99,3	0,8	11	6,5
Қашқадарё области	99,96	0,05	3	—2,1
Наманган области	99,4	0,7	14	3,9
Самарқанд области	99,6	0,6	11	6,9
Сурхондарё области	99,7	0,2	5	2,4
Сирдарё области	99,4	0,4	6	7,8
Тошкент области	98,7	4,0	19	2,4
Фарғона области	99,2	1,8	9	2,4
Хоразм области	100,0	—	—	8,4
Тошкент шаҳри	99,3	2,3	10	—0,8

Январда 1,1 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари (чакана нархлар ҳисобида, шу жумладан, спиртли ичимликлар ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларининг бозор фонди ҳам шу ҳисобга киради) ишлаб чиқарилди, бу — 1989 йилнинг январь ойига нисбатан 83,3 миллион сўмлик ёки 8,1 фоиз кўп.

Жами ўсишнинг салкам учдан бир қисмига спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш (26 миллион сўмлик) ҳисобига эришилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг корхоналар умуман қабул қилган планлари ҳам, шунингдек, молларнинг айрим турлари юзасидан қабул қилинган планларнинг ҳам бажарилиши таъминланди.

1990 йилнинг январида халқ истеъмоли молларининг ишлаб чиқарилишига оид маълумотлар қуйидагича (чакана нархларда, миллион сўмлик):

	амалда ишлаб чиқарилгани	корхоналар қабул этган планнинг бажарилиши, фоиз	1990 йил январида 1989 йил январига нисбатан фоиз
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	1116,6	101,8	108,1
Шу жумладан:			
Озиқ-овқат маҳсулотлари	353,8	102,8	102,3
Спиртли ичимликлар	141,2	102,0	122,5
Саноат моллари	564,1	101,3	109,6
Шундан енгил саноат моллари	381,5	101,8	106,8
Саноат моллари бўйича давлат буюртмаси	225,8	101,4	113,0

Ўтган йилнинг январь ойига нисбатан енгил саноат моллари ишлаб чиқариш 24,2 миллион сўмлик кўпайди.

Январь ойида асосий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилди, ип газлама (98,2 фоиз), трикотаж (99,7 фоиз) бундан мустаснодир.

Макарон маҳсулотлари, шампан виноси ишлаб чиқариш кўзда тутилган топшириқ даражасига етмади. Колбасалар, сариёғ, консервалар, макарон маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайди.

1990 йилнинг январида халқ хўжалиги комплекслари фаолиятининг кўрсаткичларига оид маълумотлар қуйидагича (фоиз ҳисобида):

	маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилиши	истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўмлик	шартнома мажбуриятларини бажармаган ишлаб чиқариш ва корхоналарнинг улуши	маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми кўпайишининг ҳақиқий суръатлари
Ёқилғи-энергетика комплекси	99,9	0,07	6	6,1
Металлургия комплекси	98,6	1,5	27	6,5
Машинасозлик комплекси	99,0	1,2	22	—1,6
Химия-ўрмон комплекси	99,2	1,4	10	2,2
Агросаноат комплекси	99,7	1,9	8	3,6
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	99,6	1,5	6	3,8
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги	99,1	0,3	6	6,6
Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш ишлари комитети	86,2	1,9	44	—13,3
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	97,1	1,2	22	7,9

Ёқилғи-энергетика комплексида нефть ва газ қазиб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланди, уларни қазиб олиш ўтган йилнинг январига нисбатан кўпайди.

Металлургия комплекси корхоналарида маҳсулот етказиб бериш соҳасида истеъмолчилардан 1,5 миллион сўмлик қарздор бўлиб қолинди. Ўзбекистон металлургия заводи прокат ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилишини таъминламади.

Машинасозлик комплексида бир қанча турдаги машина ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ҳажми ошди, белгиланган топшириқларга мувофиқ енгил саноат учун, агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқлари учун технология асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш амалга оширилди.

Айни вақтда ўзгарувчан ток электр моторлари, экскаваторлар, лифтлар, йигирув машиналари ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши таъминланмади ва уларни ишлаб чиқариш камайди.

СССР Электр техника асбоблари министрлиги, СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигининг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш шартнома мажбуриятларини бажаришда энг кўп орқада қолишга йўл қўйдилар, уларнинг биринчисида 0,6 миллион сўмлик, иккинчисида 0,5 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Химия-ўрмон комплекси корхоналари минерал ўғит, химиявий тола, қоғоз ишлаб чиқариш топшириқларини бажарди. Шу билан бирга олтингугурт кислотаси, капролактам, резина, пойабзал ва шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш плани бажарилмади. Маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини бажаришда СССР Нефть химияси саноати министрлигининг корхоналари энг кўп (1,4 миллион сўмлик) қарздор бўлиб қолди.

Бинокорлик материаллари саноати корхоналари қурилишбоп ғишт, йиғма темир-бетон, томга ёпиладиган юмшоқ материаллар ва шу кабиларни режалаштирилган ҳажмда ишлаб чиқаришни таъмин этмади.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг корхоналари январь ойида истеъмолчилардан 1,2 миллион сўмлик қарздор бўлиб қолдилар Ҳар тўрт корхонанинг бири мажбуриятларини бажармади.

Қорақалпоқ диёрида

● Санъат мухлислари Жолдасбек Қуттимуродовни яхши танишади. У моҳир ҳайкалтарош, миллий амалий санъатни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Яқинда Ж. Қуттимуродов Қорақалпоғистон хотин-қизлар ҳаётига бағишланган ҳайкал асарлари туркумини яратиб, уларни И. В. Савицкий номли Давлат санъат музейига туҳфа этди. Санъаткорнинг эътирофича, кошона директори И. Савицкий билан дилкаш суҳбатлар ва учрашувлар чоғида ҳайкалтарошлик билан шуғулланишга ихлос туғилган.

Ҳайкалтарошнинг ишлари мутахассислар томонидан юксак баҳоланмоқда. Бадиийлик, образ қиёфасини яратишдаги нозик дид ҳайкалтарошга катта шуҳрат келтираётир. Унинг ишлари мамлакатимиз ва хорижий элларнинг қатор шаҳарларидаги кўргазмаларда намойиш қилинган.

● «Водник» посёлкасидаги миллий чуррак нонни ёпиш цехи район агросаноат комбинатига қарашлидир. Корхона Беруний шаҳрида жойлашган.

Новвой Олимбой Отажонов нон ёпиш цехига бош. У ўзи севган касбда ўттиз йилдан бери ишлаётир. Унинг фарзандлари ота изидан боришмоқда. Ойбек Отажонов мазкур цехда ишлайди. Нурлибек эса ўрта мактабда ўқийди. Дарсдан бўш пайтларида отасидан нон ёпиш сирларини қунт билан ўрганаётир.

Суратларда: 1. Ҳайкалтарош Ж. Қуттимуродов ижодхонасида. 2. О. Отажонов ўғли Ойбек билан.

О. ЖУРАВЛЕВА, Б. ЮСУПОВ (ЎзТАГ) ва Р. ЎТАМУРОДОВ суратлари.

ТОМОРҚА — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

ЕР МУБОРАК!

Самарқанд область Пахтачи районида 1989 йил 1 сентябргача 16 минг 69 оила мавжуд бўлиб, шундан 2 минг 650 таси янги оила ҳисобланиб, алоҳида томорқага муҳтож эканлиги маълум бўлди. Уларнинг ва аввалдан яшаб келаётган оилаларнинг томорқалари ҳажмини камида 25 сотихга етказиш, колхозчилар ва совхоз ишчиларини биринчи навбатда қўшимча томорқа ҳамда уй-жой қуриш учун ер участкаси билан таъминлаш, қолган бошқа гражданларнинг ҳам бу соҳадаги эҳтиёжларини 1990 йил ичида тўлиқ қондириш вазифаси белгилаб олинди.

Ана шунга асосан районда 4 та махсус группа тузилиб, улар жойларда қизғин иш олиб бормоқдалар. Шу туфайли ҳозиргача 1 минг 177 ёш оилага 156 гектар ер уй-жой қуриш ва 7 минг 397 хонадоннинг аввалги томорқаларини кенгайтириш учун эса 886 гектар, жами 8 минг 574 оилага 1 минг 42 гектар ер ажратиб берилди.

Бу соҳадаги иш, айниқса, Охунбобоев номли, Киров номли ва Калинин номли колхозларда яхши ташкил этилган. Колхозчи ҳамда гражданларнинг аризалари тез ҳал этилиб, тегишли миқдорда серҳосил, иложи борича уларнинг ҳовлиларига яқин ерлардан участкалар, қўшимча томорқалар ажратилаётир. Бу ғамхўрликдан руҳланган кишилар уй-жой қуриш ва кўкламда сабзавот, полиз ҳамда моллар учун емхашак экинлари экиш тараддудини бошлаб юбордилар.

Б. ШАМСИЕВ.

18 ФЕВРАЛЬ—

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови куни

Нуқтаи назар

ДЕҲҚОН ИРОДАСИ

Қадимда бир бой савдогар ўтган экан. Қаерда ҳовли сотилаётганини эшитса хизматкорларини аввало ўша уйни ким қурганлигини билиб келишга йўллар экан. Агар у эгаси томонидан қурилса ёнига ҳам яқинлашмас, мабодо соҳибнинг меҳнати сингмаган бўлса савдолашиб ҳам ўтирмай айтган баҳосига сотиб олар экан. Шунга қарамай унинг давлати йилдан йилга зиёда бўлиб бораверибди. Ажабланган одамлар бунинг сабабини суриштирибди.

— Гап шундаки, — дебди савдогар. — Агар уйни эгаси қурган бўлса у бунга, қанча заҳмат, маблағ сарфлаганини жуда яхши билади. Шунинг учун уларни қўшиб баҳолайди. Уйни қуришда бели оғримаган киши бўлса меҳнати сингмаганлиги учун ҳовлининг асл баҳосини билмайди. Кўпинча арзонга сотади.

Бу ривоятни келтиришимдан мақсад шундаки, айни кунда деҳқонлар меҳнатига берилаётган баҳо ҳам уй қурмаган соҳибникига ўхшаб кетади. Пахта, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг нархини қишу-ёз тиним билмай тер тўккан деҳқон эмас, балки унинг заҳматини тотмаган, ҳатто тасаввур этолмайдиган кишилар кабинетларда ўтириб ҳал қилишади. Бундан ортиқ адолатсизлик бўлмаса керак. Шу боис жаҳон бозорида тоннаси минглаб долларга баҳоланаётган пахтамизга 700—800 сўм атрофида ҳақ оляпмиз. Деҳқоннинг бу нархни ошириш ҳақидаги истак ва талаблари эса эътиборсиз қоляпти. Ўтган йили бу борада ўзгариш бўлдику, дерсиз. Тўғри, лекин бу кам.

Қайта қуриш сўзи ҳаётимизга кириб келганда қанчалар қувонган эдик. Мана энди деҳқон елкасига ҳам офтоб тегадиган замонлар келди, деб ўйлагандик. Илк ижобий ўзгаришлар ҳам шундан далолат берарди. Етиштирилган мева, сабзавот, полиз маҳсулотларининг 70 фоизини давлатга сотиб, қолганини хўжаликларда қолдиришга рухсат берилди. Бироқ, энг асосийси пахтага, пиллага келганда бундай бўлмади.

Ўтган йили томорқа масаласида катта қадам ташланди. Қишлоқ меҳнаткашларининг узоқ йиллик армони ушалди. Бизнинг колхозимизда ҳам уларга энг яхши экин майдонлари бўлиб берилди. Бундан ҳамма миннатдор. Ўз навбатида бу хайрли иш янги муаммоларни кун тартибига қўяяпти. Маҳсулотларни қайта ишлаш цехлари, заводлар, омборлар қуриш керак. Шуни ҳисобга олиб хўжалигимизда 3 миллион шартли банка ишлаб чиқарувчи консерва заводи, маҳсулотларни сақлайдиган катта омбор қуряпмиз. Улар шу йилнинг ўзида ишга тушади.

Лекин бошқа хўжаликларда аҳвол бундай эмас. Уларнинг қурби, маблағи етарли-ю, имконият топиша олмаяпти. Чунки оддийгина михдан тортиб шиферу-цементгача аниқнинг уруғи. Хусусан колхозимиз ўтган йили бирон дона шу каби қурилиш матераллари давлатдан ололмади. Минг азоб билан топяпмиз. Қўшниларимизнинг аксариятига бундай иш юритишни эплаштириш оғир кўчяпти. Айни пайтда магазинларда бу материаллар турибди. Уни олишга эски кўрсатмалар йўл бермайди.

Ҳамма дардларимизнинг дарди Орол фожиасидир. Энг афсусланарлиси уни асраб қолиш ҳақида гап кўп бўляпти-ю, она денгизимизга сув бормаяпти. Шу ўринда масаланинг бошқа бир жиҳати бор. Бу оролбўйи халқларининг яшаш тарзи масаласи. У ҳозирги пайтда жуда оғир дардга айланган. Касаллик кўп. Болалар нобуд бўляпти, она сутини гўдакларнинг ичиши мумкин бўлмай қолди. Шу боис Оролни асраш билан бирга унинг бўйида яшаётган кишиларга ёрдам бериш керак. Кўплаб касалхоналар қуриш, боғчалар барпо этиш, профилактика ишларини тубдан яхшилаш зарур. Республика ҳукуматининг болаларни текин нонушта билан таъминлай бошлагани бу борадаги энг хайрли ишлардан бири бўлди. Аслини олганда хўжалигимизда мазкур ишни амалга ошира бошлаганимизга кўп вақт бўлган эди. Бизда ҳар бир ўқувчига бунинг учун 45 тийин ажратиляпти. Яқиндан бошлаб мактабларимиздаги ҳамма ўқувчиларни бепул озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга киришамиз.

Хўжалигимиз меҳнаткашлари ўтган йилни барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунладик. Даромад яхши бўлди. Улар энди ўз маҳсулотларига ўзи хўжайин бўлишини, мамлакат ва жаҳон бозорида етиштирилган неъматларини ўзи сотишни истайди. Ана шунда жуда кўп муаммоларнинг ўзўзидан ҳал этилиши турган гап. Бундай кунни яқинлаштириш яқинда сайланадиган депутатларнинг фаоллигига, тутган йўлига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

А. ВАФОЕВ,
Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод.

Эл ташвиши—менинг ташвишим

НИЯТ ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Сайловчилар билан учрашувга тайёрланар эканман, ўзимнинг сайловолди программамда улар манфаатларига жавоб берадиган, мен ҳал этишга қурбим етадиган асосий йўналишларни белгилашга ҳаракат қилдим. Бу меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш муаммоларидир. Сайловчилар билан учрашувларда менинг режаларим сайловчиларга маъқул бўлди. Уларни ҳаяжонлантираётган, ташвишлантираётган муаммолар янада ойдинлашди. Сайловолди учрашувларида меҳнаткашлар кўплаб илтимос ва сўровлар айтишди. Уларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, районда ҳеч кечиктирмасдан ижобий ҳал қилиш лозим бўлган нозик масалалар бор. Сўровларнинг оз қисми аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга тегишли эди. Сайловчилардан бири жумҳуриятимиз партия ва ҳукумати аҳолига гапда эмас, амалда ёрдам кўрсатишга бел боғлаган, деди. У колхозчилар учун томорқаларни кўпайтириш, 1-5-синф ўқувчиларини бепул овқатлантириш, кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш масалаларини кўзда тутган, албатта. «Женгелди» совхозида масалан, ишчи ва хизматчиларни маиший моллар билан таъминлаш масаласи ҳал этилган. Дўконлар расталарида кир ювиш воситалари, совун, холодильниклар ва гиламлар очиқ савдода турибди. Бу партия ва совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ишни яхши ташкил эта олганликларини кўрсатади. Қани энди ҳамма ерда шундай бўлса?

Сайловчилар наказлари орасида районни газлаштириш талаби асосий масалалардан бири. Пешкуликлар Газли табиий газ кони билан ён қўшни. Улкан газ қувурлари орқали қимматбаҳо ёнилғи Россиянинг марказий районларига ана шу қишлоқни кесиб ўтади. Район меҳнаткашлари эса шу кунгача ғўзапоя, саксовул ёқишади. Қиш фаслида вақтинча чўян печкалардан фойдаланишади.

Газ масаласини ҳал этиш қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитини яхшилайди, деган фикрга қўшимча қилиб, бу экология масалаларини ҳал этишга ҳам ижобий таъсир этади, дейиш керак. Чунки бу масалани ҳал этиш саксовул ва бошқа дарахтларни сақлаб қолиш имконини беради. Ўтин қилинаётган бу дарахтларни сақлаб қолиш тупроқ унумдорлигини, шу тариқа табиатни сақлаб қолишга, одамлар саломатлигини, аввало қишлоқ болалари соғлиғини яхшилашга ёрдам беради. Бундан ташқари қишлоқ меҳнаткашлари турмуш шароитини шаҳарликларникига бирмунча яқинлаштиради.

Бундан ташқари сайловчилар ичимлик сув масаласини зудлик билан ҳал этишни талаб қилмоқдалар. Орол атрофидаги қийинчиликларни ҳис қилган ҳолда, биз баъзан Бухоро областида ҳам ичимлик сув масаласи жиддийлигини унутиб қўймоқдамиз. Агарда бу масалада жиддий чоралар кўрилмаса яқин келажакда ёмон аҳволга тушиб қолишимиз мумкин. Пешкуда ичимлик сувнинг қаттиқлик даржаси ГОСТ талабларидан деярли икки марта ортиқдир. Бу масалани олий даражада ҳал этиш зарур. Областни, районни тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун зудлик билан программа қабул қилиш керак.

Сайловчиларни экология масалалари ҳам ташвишлантирмоқда. «Маданият» колхози меҳнаткашлари бир неча йилдан буён пахта тозалаш заводининг чанг-тўзони ичида яшамоқдалар. Бу корхона посёлканинг қоқ ўртасида жойлашган. Корхонани одамларга зарар етказмайдиган корхонага айлантириш зарур. Бу ерда сабзавот ва меваларни қайта ишлайдиган цех ёки ипак-пиллани қайта ишлайдиган фабриканинг филиалини жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки аҳолининг иш билан таъминланишини ҳам ўйлаш керак.

Яна бошқа наказлар ҳам берилди. Сайловчилар халқ маорифи системасидаги аҳвол билан ҳам келиша олмайдилар. Чунки қишлоқ мактабларидаги ўқитиш даражаси шаҳардагидан барча соҳаларда орқада қолмоқда. Тиббий хизматни яхшилаш, қишлоқ кўчалари ва йўлкаларига асфальт ётқизиш, клублар, болалар боғчалари қуриш ҳам меҳнаткашлар талабидир. Лекин сайловчилар ҳар бир йиғилишда районни газлаштириш, тоза ичимлик сув билан таъминлаш масалаларига алоҳида урғу бердилар. Район меҳнаткашларининг бу талаблари яқин келажакда ижобий ҳал этилиши зарур.

С. И. ЗИНИН,
195-Пешку сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод.

◆ **Куни кеча Қўқон шаҳридаги 402-Совет округи сайловчиларининг ўз номзодлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Меҳнаткашлар бу мулоқотга алоҳида қизиқиш ва масъулият билан тўпланишди.**

«СЎЗИМИЗ ЕРДА ҚОЛМАСИН»

Нефть техникуми, педагогика институтининг ўқитувчи ва хизматчилари, 15-маҳалла комитети вакиллари ва бошқа кўплаб сайловчилар техникум мажлислар залини лиқ тўлдиришди. Округ сайлов комиссиясининг раиси З. Мирзаахмедов йиғилишни очар экан, унинг қатнашчиларини Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар билан таништирди. Ишончли вакиллар эса депутатликка даъвогарлар ҳақида атрофлича гапирдилар, уларнинг меҳнат фаолияти, ҳаёт йўллари ҳақида сўзлаб, энг муносиб кишилар учун овоз беришга даъват этдилар.

Ҳар уч номзод округ сайловчилари учун яхши таниш кишилар. Уларнинг ҳаракат дастурида шаҳарда кейинги вақтда тўпланиб қолган қатор муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилган. Ишсизлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу борада қилинаётган саъй-ҳаракатлар эса етарли эмас. Усиб келаётган авлодни иш билан таъминлаш ҳақида кун сайин ўйлаш лозим. Шаҳарда жамоат транспорти қатновидаги тартибсизлик кўпчиликнинг асабини бузмоқда. Номзод — шаҳардаги 5-автобаза директори Ҳошимжон Қосимов ана шу каби қатор муаммоларни ҳал этиш масаласини кун тартибига қўяжаги ҳақида гапирди. Бунинг учун шаҳарда маҳаллий хом ашё билан ишлайдиган енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналари қуриш лозим. Аҳоли истиқомат жойларида чойхона, новвойхона, савдо шахобчаси ва бошқа маданий-маиший объектлар ташкил этилиши ҳам кўпчиликни безовта қилаётган масалалардандир. Болалар юқумли касаллиги шифохонаси қуриш масаласи долзарблигича турибди.

Бирлашган авиаотряд бошлиғи М. Муҳиддинов эса кўпчилик эътиборини шаҳар халқ хўжалигини тўла мустақилликка ўтказиш, республикада хўжалик ҳисобини жорий этиш учун курашиш, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш лозимлигига қаратди. Рўй берган аянчли воқеалар ёшлар тарбияси билан керагича шуғулланилмаганлиги оқибати ҳам эмасми. Айни пайтда олибсотарлик, жиноятчиликка қарши курашда фақат ҳуқуқ-тартибот органларигина эмас, кенг жамоатчилик ҳам фаол қатнашишини таъминлаш лозим.

Шаҳар партия комитетининг секретари Э. Маҳмудов кейинги пайтда партия ходимлари уй-жой массивлари, маҳалла-қуйларда бўлиб меҳнаткашлар билан кўпроқ мулоқотда бўлаётганликларини айтиб ўтди. Шаҳар озиқ-овқат таъминотида силжиш бор. Қанд шакар талонсиз берила бошланди. Бу йил иккита ёпиқ колхоз бозори қурилади, сабзавот сақлайдиган омборни бунёд этишга киришилади. Область партия комитетининг рухсати билан Қўқон шаҳри ва унинг аҳолиси эҳтиёжи учун 2003 гектар ер ажратиляпти. У ерда турли корхоналар, уй-жойлар бунёд этилади.

Сўзга чиққан сайловчилар номзодларнинг режаларига қизиқиш билан бирга уларнинг эътиборини жуда кўп долзарб масалаларга қаратдилар. Медицина билим юрти ўқитувчиси М. Содиқова кейинги вақтда кўпчиликнинг эътиборига тушаётган ишлар қилинаётганидан мамнуният билдириб, ҳали қўл уриш керак бўлган кўплаб ишлар навбат кутиб ётганлигини ҳам таъкидлади. Медицина билим юрти эски, ўқувчилар учун ҳеч қандай қулайликлари бўлмаган бинога жойлашган. Табиийки, шароит бу ерда ҳамширалар тайёрлаш учун қийинчилик туғдирмоқда. Аммо, коллективнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари, талаблари қайта-қайта айтилаётганига қарамай, ҳамон инобатга олинмаётир.

Политехникум ўқитувчиси К. Исомиддинов Қўқон воқеаларига алоҳида тўхталди. Бу аянчли воқеалар ўрганиляпти, тегишли хулосалар чиқарилгандек бўлди, унга жуда кўп комиссиялар жалб этилди. Аммо, нотиқнинг назарида масалани янада чуқур, атрофлича, ўрганиш керак. Педагогика институти ўқитувчиси М. Абдуллаев, йигирув-тўқув фабрикаси партия ташкилотининг секретари З. Валькова шаҳар ободончилигига эътиборни кучайтириш лозимлигини таъкидладилар. 6-маҳалла вакили А. Маматхонов кўпчиликнинг эътиборини маҳалла комитетлари имкониятидан самарали фойдаланишга йўналтирди. Маҳалла тарбия ўчоғи, у ерда ҳар бир кишининг юриш-туришидан тортиб, нима билан шуғулланишигача кўпчилик назарида бўлади. Шунинг учун комитет раисларига маош белгиланиши муносабати билан уй-жой массивларида тарбиявий иш билан узлуксиз шуғулланилишига эришиш керак.

Сайловчилар номзодларга шаҳарнинг истиқболи, келгуси беш йилликда амалга оширилиадиган бунёдкорлик ишлари ҳақида жуда кўп саволлар билан мурожаат этдилар. Депутатлик бу обрў-эътиборгина эмас, бу аввало ишонч ва масъулият демакдир. Шундай экан сайловчилар номзодлар шаҳар ҳақида, шаҳар меҳнаткашларининг дарди-ҳасрати орзу-умидлари ҳақида астойдил қайғуришини чуқур ҳис қилган ҳолда овоз беражакларини билдирдилар.

М. ҲАМИДОВ.

Номзодлар ҳақида ҳикоялар

Ўзгалар дардида

Дунёда қаҳри қаттиқ киши ҳам, меҳр-шафқатли, раҳмдил киши ҳам шифокордир. Айрим раҳбарларнинг ерга, сувга умуман табиатга эътиборсизлиги ёки мунофиқлик, туҳмат, ўзгалар ҳақига хиёнат, мол-дунёга ҳирс қўйганлиги, инсон қадрини оёқ ости қилганлиги Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдирини ҳал этиб келган Оролнинг қуришига олиб келди.

Бу эса аҳоли ўртасида, айниқса оналарнинг, болаларнинг касалланиши, ўлим кўрсаткичи Иттифоқ даражасидан ҳам ўзиб кетди.

Соғлиқни сақлаш министрлигида Оролбўйи аҳолиси соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича йиғилиш борарди. Андижон область соғлиқни сақлаш бўлими мудири Баҳодир Йўлдошев сўз олди.

— Биз бригадамиз билан Қорақалпоғистон Автоном республикасининг Хўжайли район аҳолисини медицина кўригидан ўтказдик. Ҳақиқатан беморлар кўп. Ҳатто областимиздаги клиникалардан жой ҳозирлаб, даволашни лозим топдик. Афсуски, қорақалпоғистонлик бирор бемор Андижонга боришни хоҳламади. Уларнинг узоқ ерда даволанишга имконияти йўқ. Чунки улар оиласи даврасидан узоққа боролмайдилар. Шунинг учун барча даволаш ишларини жойларнинг ўзида ташкил этиш лозим, — деб биламан.

Баҳодир Усмонович министрликнинг барча йиғилишларида муҳим масалалар бўйича таклифлар билан сўзга чиқади.

У Андижон медицина институтини битиргач, Бешариқ шаҳридаги тажрибали шифокорлар Маъруфхўжа Отахўжаев, Абдужамбил Абдуллаев каби тажрибали шифокорлар мактабини ўтади. Қўқон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудири бўлди. Беш йилдирки Андижон область соғлиқни сақлаш бўлимига бошчилик қилиб келаётир. Унинг раҳбарлигида область соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий техника ва даволаш базаси анча яхшиланди. Янги-янги шифохоналар, қишлоқ врачлик амбулаториялари ишга туширилди. Очиқ тан олиш керак, ҳали қилинадиган ишлар кўп, аммо ҳозирча аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш бирмунча яхшиланди. Шунинг учун Андижон область 138-Бўз сайлов округидан Б. Йўлдошев Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Сайловчилар Б. У. Йўлдошев номзодини кўрсатиб хато қилмаганлар. Ўзгалар дардида ёниб хизмат қилаётган шифокор халқимиз дардига дармон бўла олади. Етук мутахассис сифатида унинг катта ишларни амалга оширишига ишончим комил.

Т. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг муовини.

ЮКСАЛИШ САРИ

● Абай номли совхоз-техникуми Мирзачўл районидаги энг бақувват, иқтисодий кўрсаткичлари йил сайин юксалаётган хўжаликлардан бири. Ўтган йили давлатга 7800 тонна ўрнига 7900 тонна пахта, 1422 тонна ўрнига 1917 тонна дон етказиб берилди. Чорвачилик соҳасида ҳам муваффақиятлар чакки эмас: 864 тонна сут тайёрланди, гўшт етиштириш эса 202 тоннага етди. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари бўйича йиллик кўрсаткичлар ошириб бажарилди.

Меҳнат аҳли қўлга киритаётган бу ютуқларда Абдураҳмон Оқилбоевнинг ҳам ҳиссаси бор. У мана олти йилдирки, хўжаликка раҳбар. Ҳамкасблар А. Оқилбоевга юксак ишонч билдиришди. 374-Мирзачўл сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Халқ номзодининг ҳаракат дастурида бажарилиши аниқ бўлган мақсадлар ёзилган. Қишлоқ аҳли турмушини фаровонлаштириш масалалари биринчи ўринга қўйилган.

Суратда: А. Оқилбоев (ўртада) совхоз бош зоотехниги Қўнғирот Абилтоев, сут соғувчилар Гуля Шайберганова, Насиба Давронова ва Бўтакўз Холдорбекова билан мулоқотда.

У. ҚУШВОҚОВ суратн.

СЎЗ — САЙЛОВЧИЛАРГА

ОВОЗ БЕРИШ ШАРАФИ

Уттиз йилдан зиёд педагоглик қилдим. Бу даврда қанчақанча сайловларда қатнашдим. Рости бугун биз турғунлик деб атаётган ўша йилларда ҳам меҳнаткаш манфаати кўзланган яхшигина қарорлар қабул қилинганди. Депутатликка номзодлар ҳам халққа олам-олам ваъда беришарди. Аммо гап гаплигича қолиб кетарди.

Биз қишлоқ аҳлига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пахта йиғим-теримига қўшимча ҳақ ажратиш борасидаги ҳаракати маъқул бўлди. Бу тадбирнинг нафақат республика, балки Иттифоқ миқёсидаги аҳамиятини сезиб турибмиз. Қолаверса колхозчилар, совхозларнинг ишчиларига томорқа ҳамда уй-жой қуриш учун ер ажратиш ҳақидаги қарорнинг бажарилиши Марказий Комитет томонидан қатъий назорат қилинаётганлигини олқишлаш керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳаракат дастурида кўзда тутилган тадбирлар шу тарзда амалга оширилаверса, шубҳасизки, меҳнаткаш халқ билан партиянинг жипслиги янада мустаҳкамланаверади.

Демоқчиманки, бу йилги сайловларга мен ва мен каби оналар ўзига хос кўтаринки руҳда боряпмиз. Ўз навбатида халқимизнинг ишончли вакилларини учун овоз бериш масъулиятини ҳам сезиб турибмиз. Биргина бизнинг сайлов округимизда қишлоқ Совети депутатлигига бир неча миллат вакилларининг номзоди кўрсатилган. Биз эса уларнинг ишчанлигига, халқпарварлигига, Ватан олдидаги бурчини ҳис этишига қараб овоз берамиз.

Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Қаҳрамон она, Фориш районидаги Киров номли давлат наслчилик заводи.

◆ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ГРАЖДАНЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ҲАРАКАТЛАР УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ТАРТИБ ТАРАФДОРЛАРИ

◆ Самарқанд вагон депосида бўлган митинг қатнашчилари мамлакат Олий Совети сессиясига телеграмма йўлладилар. Улар СССР халқ депутатларини мамлакатда интизом ва тартиб ўрнатиш юзасидан шошилинч чора-тадбирлар кўришга чақирдилар.

Уларнинг ўзлари ҳам жамиятимизни беқарорлаштиришга интилаётган айрим унсурларнинг экстремистик хуружларини қораламоқдалар ва бошқаларни ҳам шундай ҳаракатларни қоралашга чақирадилар. Темирйўлчилар ўз навбатида ўз коллективларида тегишли чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини олишди.

Депода 17 миллат кишилари ишламоқда. Уларнинг ҳаммаси жамиятимиз турмушининг барча соҳаларида тартиб ўрнатилишини талаб қилмоқдалар. Сўзга чиққан кишилар партия, совет маъмурий органлардан Самарқанд шаҳрида ва вилоятда тартиб ҳамда осойишталикни таъминлашни, Душанбеда рўй берган воқеага ўхшаш ҳодисаларга йўл қўймасликни талаб этдилар. Сўзга чиққанларнинг кўпчилиги шу ҳақда гапирди.

— Темир йўл тармоғининг бошқа коллективлари ҳам шундай фикрдалар, — деди темир йўл тармоғи партия комитетининг секретари В. Кузнецов. —Локомотив депосида, бошқа бўлинмаларда ҳам митинглар бўлди.

Хуллас, самарқандликлар бу хусусда якдил фикр билдирдилар: тартиб, интизомни, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш — қайта қуришнинг муҳим шартлари. Кимда-ким халқларни бир-бири билан тўқнаштиришга ҳаракат қилса, Қонунга кўра жавоб бериши керак.

Митинг қатнашчилари республика Олий Совети Президиумининг жамоат тартибига ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун масъулиятни кучайтириш тўғрисидаги Фармонини қўллаб-қувватладилар.

Митингда Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод, депо бошлиғи Ю. Овчинников сўзга чиқди. У республика раҳбарияти аҳволни барқарорлаштириш, жамоат тартибини ўрнатиш юзасидан қаттиқ, лекин мажбурий чоралар кўраётганини хабар қилди.

(ЎзТАГ).

• Тожикистон:

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Тожикистон пойтахти бугун таниб бўлмас даражада. Шаҳар кўчаларни бўм-бўш. Жамоат транспорти, кўпгина корхоналар ишламаяпти. Кўча ва майдонларда жанговар техника турибди.

Тожикистон ССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази берган маълумотларга кўра, 14 февралгача тўқнашувлар чоғида 11 киши ҳалок бўлган, 143 киши жароҳатланган, шулардан 51 киши ҳарбий хизматчи ва милиционерлардир. Жамоат тартибини бузганлиги учун 51 киши қўлга олинган.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитети биносининг ойналари синдирилган, эшиклари бузиб ташланган. Бино яқинидаги кўчаларда магазинлар, дўкончалар ағдар-тўнтар ва талон-торож қилинган.

Бугун 14 февраль куни Марказий Комитет биносига олиб борадиган учала кўчанинг барчаси яна митинг қатнашчилари томонидан ўраб олинди.

— Ҳамма нарса миш-мишлардан бошланди, — дейди Туркистон ҳарбий округининг тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи полковник Ю. А. Красиков. — Бир неча минг арман қочоқни Душанбега жойлаштиришмоқда, деган гаплар бўлган эди. Гўё уларга навбатдан ташқари уй-жой беришаётган, иш билан таъминлашаётган эмиш. Афсуски, ана шу миш-мишларнинг ёлғон эканлигини исботлашга уринишлар муваффақият қозонмади.

— Нима учун ҳис-ҳаяжон ҳамма нарсани қамраб олаётганига тушуна олмаяпман, — деб таажжубланади ички қўшинлар капитани В. Бурмистиров. — Нима учун магазинларни талон-торож қилишмоқда, одамларни калтаклашмоқда? Мен ишчи ўғлиман, қуролсиз кишиларга ўқ узишни истамайман, аммо ҳушёр кучлар ишни ўз қўлларига олсинлар. Уларнинг ўзлари талон-торож ва бебошликлар қилаётган кишиларни жазоласинлар. Бизда муаммолар кўп, лекин уларни сиёсий усуллар билан ҳал этиш керак.

14 февраль куни Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари республика Компартияси ва ҳукумати раҳбарларининг ҳозирги составига ишонч билдирдилар. Вазиятни барқарорлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

...Шу кунларда Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР халқ депутати Қ. Маҳкамов республика телевидениеси орқали сўзга чиқди, телевизор экранидан Тожикистон меҳнаткашларига зиёлиларнинг вакиллари, «олимлар мурожаат қилишди: мулоқот, ўзаро ҳамжиҳатлик йўлларини қидириш давом этмоқда. Шаҳар аҳолиси ўзи яшайдиган жойларда вазиятни кескинлаштиришга уринаётган қиргинчилар, экстремистларга уюшқоқлик билан қаршилик кўрсатиш учун ўзини ўзи ҳимоя қилиш отрядларини туэмоқдалар.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ махсус мухбири.

ОЗАРБАЙЖОН ССР ВА АРМАНИСТОН ССРДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

✦ СССР Ички ишлар министрлигининг Озарбайжон ССРда, Арманистон ССРда 14 февралдаги вазият тўғрисидаги маълумотномасидан.

Озарбайжон ССРдаги вазият кескинлигича қолмоқда. Озарбайжон темир йўлида 149 та юк состави ҳаракатсиз турибди, шундан 48 таси Арманистонга аталган составдир.

Барда районида ўтган кеча-кундуз давомида ички ишлар органларининг ходимлари аҳолидан еттита ов қуролини тортиб олдилар.

Тоғли Қорабоғ автоном областидаги вазиятда ҳозир унчалик ўзгариш йўқ. Степанакертда 12 февраль куни кечқурун соат 5 да асфальт заводининг ёнида номаълум кишилар йўловчилар тушган автобусга иккита портловчи қурилма отганлар, ҳеч ким шикастлангани йўқ. Текшириш ўтказилмоқда.

Аскердан районида соат 15 да Ҳожали қишлоғи яқинида темир йўл изининг шикастланганлиги аниқланди (дастлабки маълумотларга кўра, портлаш натижасида шундай бўлган) воқеа содир бўлган жойда 3 килограммга яқин портловчи модда ва соатли механизм ўрнатилган қўлбола портлатиш қурилмаси топилган. Текшириш ўтказилмоқда.

Ўтган кеча-кундуз давомида Кафан район ички ишлар бўлимидан ўғирланган битта Макаров пистолети саккизта ўқи билан, шунингдек ТОЗ милтиғи, ўн битта пневматик милтиқ, тўртта ов қуроли, иккита қўлбола граната Арманистон ССР ички ишлар органларига топширилди.

Ереванда Арманистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини тамомлаган бинони соат 15.30 дан 19.30 гача оломон ўраб турди. Тўпланган кишилар Арманистон ССР Олий Совети Раисининг истеъфога чиқишини талаб қилдилар.

БИРОДАРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорлик режаларига мувофиқ. Бельгиянинг Кортрейк шаҳри делегацияси Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Унга Кортрейк муниципалитетининг бош секретари Эрик Суте бошчилик қилмоқда.

Ўтган йили биродарлашган шаҳарда Тошкент делегацияси бўлган эди. Мана, энди улар жавоб ташрифи буюришди. ташриф чоғида бир қанча амалий масалалар: шу йилнинг май ойида Ўзбекистон пойтахтига Кортрейк савдо вакилларини юборишга тайёргарлик кўриш, биродарлашган шаҳарда Тошкент тўқимачилари кўргазмасини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинади. Манфаатдор ташкилотлар вакиллари билан иқтисодиёт, маданият, маориф, спорт соҳасидаги муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикрлашув бўлади.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Тошкент шаҳар ижроия комитетида, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида суҳбатлар бўлди.

15 февраль куни делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қабул қилди.

(ЎзТАГ).

ҲУҚУҚШУНОСЛАР УЮШМАСИ ПЛЕНУМИ

◆ Тошкентда Ўзбекистон ҳуқуқшунослар уюшмасининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари янги ташкилот олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар, ҳуқуқшунослар уюшмаси фаолиятини ташкилий ва моддий техник жиҳатдан таъминлашга оид конкрет тадбирларни белгиладилар.

Уюшма раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. А. Аъзамхўжаев доклад қилди. Иш плани тасдиқланди. Унда республикада ҳуқуқшунослик умумий таълимини амалга ошириш, энг муҳим қонунларни, жумладан Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга оширишда, янги Қонун лойиҳаларини, жиноятчиликка қарши кураш комплекс давлат программасини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда ҳуқуқшуносларнинг иштироки вазифаларига катта эътибор берилди. Планда республиканинг малакали ҳуқуқшуносларга эҳтиёжини аниқлаш ва қондириш, ҳуқуқшуносликка доир адабиётлар, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни нашр этиш билан боғлиқ масалалар ҳам ўз ифодасини топди. Жойларда уюшманинг тегишли бўлимлари ва бошланғич ташкилотларини тузиш муносабати билан уюшманинг вазифалари эслатиб ўтилди.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Ғ. А. Абдумажидов ва ҳуқуқшунослик фанлари доктори И. А. Либус республика ҳуқуқшунослар уюшмаси раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар. Уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар тузилди.

(ЎзТАГ).

Афғонистондаги Совет қўшинлари чекланган қисмлари она-Ватанга қайтиб келганлигининг бир йиллигига

БАЙНАЛМИЛАЛ БУРЧНИ ЎТАБ...

Совет қўшинлари чекланган қисмининг Афғонистондан бутунлай олиб чиқилганига бир йил тўлди. Қалблар безовталигига, оналар ва фарзандлар интизорлигига, жангу жадал ваҳшатларига чек қўйилди. Қайта қуришнинг адолатпеша сиёсати ана шу маънавий, руҳий ва жисмоний азоб-уқубатларга хотима берди. Бу СССР халқ депутатлари иккинчи съездида ҳам алоҳида таъкидланди ва юқори баҳоланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қарори билан шу йилнинг 5 февралида байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилар республика уюшмаси ташкил этилди. Мухбиримиз Н. Жўраев ана шу уюшма раисининг ўринбосари Шараф САФАРОВ билан суҳбатда бўлди.

МЕҲРУ МУРУВВАТ МАВРИДИ

— Ўтган йилнинг 8 декабрида мазкур ташкилотимизнинг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда иш программамиз ва уюшмамизнинг Низоми қабул қилинди. Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири республикамиздаги 50 мингдан ортиқ байналмилалчи жангчининг бугунги ҳаёти, истиқболи ва тақдири хусусида ғамхўрлик қилишдир. Мингга яқин қўстларимиз ногирон. Улар алоҳида меҳр-мурувватга, шароитга ва табобатга муҳтож кишилар.

Улуғ Ватан урушидан кейин мамлакатимиз, шу жумладан жумҳуриятимиз бунчалик оғир кунни кўрмаган ва бунга тайёргарлиги йўқ ҳисоби эди. Ана шунинг натижасида ногирон бўлиб қайтган жангчиларга ҳар хил турдаги протезлар тайёрлаш қийин бўлиб турибди. Ўтган йили Тошкент шаҳар Совети жангчилар учун 37 та уй ажратган эди. Бу камлик қилади. Республикада эса аҳвол қониқарли эмас.

Дори-дармонлар масаласи ҳам оғир. Ногиронларни керакли камёб дорилар билан таъминлашга маҳаллий партия ва совет ташкилотлари ёрдам қўлини чўзиши керак. Барча касалликларни даволовчи шифохона комплексини қуриш лозим. Улар албатта маълум даражада катта маблағни талаб этади.

— Бундай маблағни фақат давлат ҳисобидан кутяпсизлармі? Узларингиз ҳам ҳисса қўшишларингиз мумкинмі?

— Албатта. Уюшмамиз асосан ана шу мақсадда ташкил этилган. Биз ҳали қонуний иш бошлаганимизга эндигина 10 кун бўлди. Кеча «Юбилейний» спорт саройида катта хайрия концертини ташкил этдик. Бу санъат кечасидан тушган барча маблағ уюшмамизнинг 006700006 ҳисобига ўтказилади. Жумҳуриятимизнинг барча бурчаклари-дан Тошкент вилоят турар-жой-иҳтимоий банкидаги ана шу ҳисобга хайрия маблағлари туша бошлайди.

Яна шуни айтишимиз керакки, таниқли санъаткорларимиз хайрия концертларини ташкил этиб, тушган маблағларини ана шу ҳисобга ўтказиш истагини билдирмоқдалар.

Келажакда қиладиган ишларимиз кўп. Армия билан халқ бирлиги ҳақидаги қурук гапдан қочиб, буни амалда ҳаётга тадбиқ этиш чораларини кўрамиз. Байналмилалчи дўстларимизга партия ва ҳукуматимиз берган имтиёзлардан тўла фойдаланиш учун тарғибот ишларини олиб борамиз. Хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш ташкилотларни тузамиз. Уларга иш билан таъминланмаган дўстларимизни жалб этамиз. Ногирон ўртоқларимиз ўзларини жамиятнинг тўлиқ аъзоси сифатида ҳис қилишлари учун қулай шароитда меҳнат қилишларига имконият яратиб берамиз.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси байналмилалчи жангчилар кенгаши куни кеча ташаббус билан чиқди. Афғонистондан совет қўшинлари бутунлай олиб чиқилганлигининг бир йиллиги кунида икки кун давомида 16 та трамвай ва троллейбусларда хайрия кассалари ўрнатиб, маршрут бўйича ҳаракатда бўладилар. Ундан тушган маблағларнинг барчасини уюшмамиз ҳисобига ўтказадилар.

Ҳисобимизга тушган барча маблағ собиқ жангчилар соғлиғини тиклаш, турмуш шароитини яхшилаш ва дам олишини ташкил этиш ишларига сарфланади.

Оловли, ғожиали кунлар орқада қолди. Энди уларни фақат хотирлаймиз, холос. Аммо, қалбларда, оналар ва оталар юрагида, жангчилар вужудида қолган жароҳатнинг ўрнини ҳеч нима босмайди. Армонларнику айтмай қўяқолайлик. Ана шундай пайтда бир оғиз ширин сўз, меҳр-мурувват, одамийлик ва инсоний муносабатнинг қадри бебаҳо бўлади. Партия ва ҳукуматимиз бизга ана шундай манба бўлмоқда. Куни кеча ташкил этилган мазкур уюшма эса жангчиларнинг ҳаётга муҳаббат, жўшқинлик ва қайноқлик масканига айланишига шубҳа йўқ.

● Бундан бир йил муқаддам Совет қўшинларининг чекланган контингенти Афғонистондан олиб чиқилди. Ушбу суратлар бизга ўша ҳаяжонли дамларни эслатади. Афсуски, бу мақсадсиз урушда қатнашган йигитларимизнинг барчасига ҳам Ватанга қайтиш насиб этмади. Уларнинг айримлари Афғонистон тупроғида мангу қолдилар. Биз бугун «Афғон» йигитларини иззат-ҳурмат қилар эканмиз, ўша марҳумлар хотирасини ҳам эъзозлаш инсоний бурчимиздир. Зотан улар ўзга юр тупроғида Ватан топшириғини адо этган эдилар.

Л. Гусейнов суратлари.

Оқибат

● Афғонистонда узоқ давом этган жангу жадаллар хотирага айланган. Зеро, Ватан олдидаги ўзларининг байналмилал бурчларини адо этган йигитлар нидоси қулоқларга чалиниб туради. Мамлакатимизда байналмилалчи жангчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, имтиёзлар етарли бўлишига аҳамият берилаётганига қарамай, жойларда эътибор топмаётган, маънавий рағбатга муҳтож йигитлар йўқ эмас.

Биз Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик республика фонди йўли билан жангчи йигитларга қўлдан келгунча қулайликлар ва моддий ёрдам кўрсатиб, уларнинг кўнгилларини овлашга, рози қилишга ҳаракат қиляпмиз. Чунончи, республика фондининг Тошкент бўлими коллективи ва ташаббускор гуруҳ ёрдамида жангчиларга алоҳида анкеталар тарқатилди. Ана шу анкета саволларига олинган жавобларга кўра, собиқ жангчиларнинг истак ва хоҳишлари атрофлича ўрганилди.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районида истиқомат қилувчи Абдусаттор Пўлатовнинг саломатлигини мустаҳкамлаб олишига кўмаклашиб, 100 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шаҳримизнинг Сағбон кўчасида яшовчи Тошпўлат Қосимов ҳам меҳр-шафқатимиздан баҳраманд бўлди. Ўктам Ҳамроевнинг Одесса шаҳрида даволаниши учун йўл харажатларини ўз зиммамизга олдик. Бу йигитлар тегишли группага оид ногиронлар ҳисобланади. Жами 20 га яқин жангчига ана шундай мадад қўллари чўзилди. Афғонистонда ўз бурчини адо этган йигитларга меҳр кўрсатиш ишларини янада фаоллаштиришга ҳаракат қиламиз.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик республика фонди раисининг ўринбосари.

Эътибор бўлса...

● Воқеа бундай бўлганди. 1979 йилнинг 14 декабрь куни кечаси алоҳида чақириқ қоғози билан кетган эдим. 16 кун чўлда ҳарбий машқлар бажаришга тўғри келди. Янги йилни кутар кечаси Афғонистонга йўл олдик. 1980 йил 4 январь кечаси Афғонистон пойтахти яқинига тушдик. Бизга майор Холиқов раҳбарлик қиларди. Қор-совуқда чодирлар ўрнатишга тўғри келди. Мен ўз мутахассислигим бўйича алоқачи бўлиб турдим. 22 февралгача хизмат қилдим. Бу борада СССР собиқ Мудофаа министри Д. Устинов имзолаган раҳматнома ҳам бор.

Бир қарашда мен ҳам «афғон» жангчилари қатори ҳаётимни таҳликада қолдириб, байналмилал бурчимни адо этдим. Маълумки, Афғонистонда жанг қилганларга имтиёзли равишда қулайликлар берилган. Мен эса қарийб 10 йил мобайнида, яъни 1989 йилнинг август ойигача ана шу имтиёздан маҳрум бўлиб келдим. Сабабини билиш мақсадида Мудофаа министри номига хат ёзишга тўғри келди. Байналмилал жангчи сифатида имтиёздан фойдаланишга ҳақлисиз, деган жавоб олдим. Ана шу жавоб мактубини Самарқанд область ҳарбий комиссариатига кўрсатсам, бизда бундай хат йўқ, деб жавоб қилишди. Бундай бўлиши мумкин эмас, деб даъво қилишга тўғри келди. Шундан кейингина менга ҳам имтиёзлардан фойдаланиш дафтарчасини расмийлаштириб беришди...

Фақат бир илтимос, бизни унутмай, байрамларда ҳамма қаторида ёдга олиб, бир оғиз илиқ гап билан кўнглимизни кўтариб туришса бўлгани.

Равшан РАҲМОНОВ
Иштихон шаҳри.

Суд ҳукм чиқарди

Москва, 14 февраль. ТАСС мухбири Н. Демидов). Бугун СССР Олий суди жиноий ишлар суд коллегияси Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг собиқ раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Е. Айтмуратов иши юзасидан шундай ҳукм чиқарди: Е. Айтмуратов мол-мулки мусодара қилиниб, ўн йиллик муддатга озодликдан маҳрум этилиб, кучайтирилган режимли ахлоқ-тузатиш меҳнат колониясида сақлашга ҳукм қилинди. У 49.000 сўм миқдорида пора олганликда айбдор деб топилди.

Иш юзасидан раис — СССР Олий судининг аъзоси М. Каримов, халқ маслаҳатчилари В. Смирнов ва А. Жмуйдзинавичюс, давлат айбловчиси — СССР прокуратураси бошқармасининг катта прокурори О. Анкудинов, ҳимоячи — адвокатлар Москва шаҳар коллегиясининг адвокати В. Рябенкодан иборат составда суд коллегиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Суд 1970—1984 йиллар мобайнида ўз масъул мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, Айтмуратов хизмат юзасидан ўзига бўйсунган ходимларидан, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг турли совет ва партия органлари раҳбарларидан ҳамда бошқа мансабдор кишилардан уларга ёрдам кўрсатганлиги, ҳомийлик қилганлиги ва ишда қўллаб-қувватлаганлиги учун кўп маротаба пора олганлигини аниқлади. Дастлабки тергов органлари Айтмуратовни 17 кишидан пора сифатида 80.500 сўм олганликда айблади. Бироқ, суд Айтмуратовнинг 7 кишидан пора олганлиги ҳақидаги 12 ҳолатни исботланмаган, деб айбловдан чиқариб ташлади.

СПОРТ

КУРАШ:

УРИНБОСАРЛАР КЎРИГИ

◆ Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Ўринбосарлар кўригига айланган беллашувларда Тошкент ва пойтахт области ёш полвонлари маҳорат кўрсатдилар. Улар 9 вазн бўйича ўтказилган мусобақада 6 та олтин медални қўлга киритишди. Чунончи, Х. Сандов, Ш. Машарипов, С. Алиев, Р. Файзиев, И. Пак, А. Богдасаровлар ғолиблик супасига кўтарилишди. Шунингдек, қаршилик А. Биналиев, Зарафшондан В. Утигенов, самарқандлик С. Васильевлар ҳам ғалаба қозонишди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

УЛОҚТИРИШ БАҲСИДА

◆ Навоийда улоқтириш бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Тошкентлик В. Хўжатиллаев ядро, фарғоналик Р. Алишоев диск, А. Пименов найза улоқтиришда муваффақият қозондилар. Ғолиблар энди Адлер шаҳрида ўтказиладиган СССР чемпионатида иштирок этадилар.

ФУТБОЛ:

ЎЗГАРИШЛАР МАВСУМИ

◆ Бу йил иккинчи лига коллективлари учта зонага бўлинган ҳолда чемпионат ўйинларини ўтказадилар. Ҳар бир зонага 22 тадан коллектив киритилган. Ўйинлар 7 апрелда бошланади. Шарқий зонада республикамизнинг 7 командаси қатнашади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

КОРХОНА ВА ИДОРА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ ҚОШИДА

Алоқа ва радиоэлектроника соҳалари бўйича

МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

ОЧИЛДИ

Бу факультет сизларга қуйидаги соҳалар бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини ҳал этишда ёрдам беришга тайёр:

— электрон ва квазиэлектрон автоматик телефон станциялари (шаҳар ва қишлоқ алоқа техникаси);
— маҳаллий, зоналар ва шаҳарлараро рақамли ахборотни узатиш системалари;
— оптик-толали алоқа системалари;
— бирламчи алоқа тармоғини автоматик бошқариш;
— ҳозирги замон ҳисоблаш техникаси ва шахсий ҳисоблаш машиналарида амалий ишлаш асослари ва уларни программа билан таъминлаш;
— алоқа системалари ҳолатини муайян равишда кузатиш ва бошқариш техникасида микропроцессорларни қўллаш;
— иқтисод, тўла хўжалик ҳисоботи ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, корхоналарда ижара пудратини қўллаш, ишлаб чиқаришни замонавий бошқариш усуллари;
— саноат экологияси ва мониторинг.

— Ўқиш муддати ва нархи келишув асосида аниқланади. Бошқа шаҳардан факультетга қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Барча саволлар билан қуйидаги адресга мурожаат қилиш мумкин: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй, Тошкент электротехника алоқа институти, малака ошириш факультети, телефонлар: 35-07-43, 35-13-86.

«УЗВОДРЕМСТРОЙЭКСПЛУАТАЦИЯ» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

1990 ЙИЛ УЧУН

ишдан ажралган ва ишдан ажралмаган ҳолда

ҚУНДУЗГИ ВА ҚЕЧКИ КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курслар «А», «В», «В, С», «Д», «Е», «С» категориядаги ҳайдовчиларни тайёрлайди ва қайта ўқитади, шунингдек автомеханиклар, автослесарлар, тракторчилар, экскаваторчилар, бульдозерчилар, автокранчилар, минора, шоти, кўприк, пневматик бошқариладиган кранларнинг машинистлари, «КАМаз»ларнинг ҳайдовчилари, газбаллон автомобиллари, электр ва автопогрузчиклар, электрокараларнинг ҳайдовчиларини тайёрлайди; 3-разряддан 2-разрядга, 2-разряддан 1-разрядга тракторчиларни қайта ўқитади, газ пайвандчилар, электр пайвандчилар, газ-электр пайвандчилар, кранлар бўйича ремонтчи-слесарлар, кранлар бўйича электриклар, автоэлектриклар, аккумуляторчилар, вентиляция системалари ремонти бўйича слесарлар, вентиляция системалари монтажи бўйича слесарлар, «КАМаз» лар ремонти бўйича слесарлар тайёрлаб чиқаради.

ГРУППАЛАРГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН ИЎЛЛАНМА БИЛАН КЕЛГАН КИШИЛАР ПУЛ ЎТКАЗИШ ИЎЛИ БИЛАН ҲАҚ ТЎЛАГАН ҲОЛДА ВА ЭРКИН ҚАБУЛ ҲИСОБИГА ТАЪЛИМ ҲАҚИНИ НАҚД ПУЛ БИЛАН ТЎЛАГАН КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Наримонов шаҳри, Лихачев кўчаси, 5-уй (171, 183, 188-автобусларнинг «Поликлиника» бекати). Телефон 92-38-95.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бутуниттифоқ «СТРОЙИНДУСТРИЯ» илмий-техника жамияти Ўзбекистон республика правлениесининг «СТРОИТЕЛЬ» илмий-техника хизматлари марказига қарашли

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ТАШКИЛОТИ

ШАРТНОМАЛАР АСОСИДА

Ўз ишланмаларингиз, ғояларингиз ва таклифларингизни республика миқёсида, бошқа областлар, шунингдек республика ҳудудидан ташқаридаги қурилишларга жорий этиш мақсадларида қўлланишда

ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бизнинг адрес: 700096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 178-уй. Телефон 78-53-02

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1990 йил январь ойидан бошлаб

«ДИАЛОГ» ЖУРНАЛИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ОБУНА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Индекс 70256.

Журнал фақат чакана савдо йўли билан тарқатилади.

Юқорида кўрсатилган журналга обуна бўлган кишиларга уларнинг пуллари яшаш жойидаги алоқа бўлимлари томонидан қайтарилади.

Республика «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентлиги.

●

Ташкилотлар, корхоналар, кооперативларнинг раҳбарлари ва аҳоли

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ИНФОРМАТИКА ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ТОШКЕНТ ИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ

ППЭҲМда программалаштириш асослари бўйича **курсларга**

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Таълим учун нақд пул тариқасида ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700115, Тошкент шаҳри, Гагарин кўчаси, 11-уй. Телефон: 77-11-11.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 16/II да **Севгига севги билан**, 17/II **Отелло**, 18/II да **Этик кийган мушук** (12.00), **Уйқудаги гўзал** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/II да **Нажот истаб**, 17/II да **Мирзо улуғбек**, 18/II да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/II да **Ака-ука совчилар**, 17/II да **Шайтон ва муридлар**, 18/II да **Кампир кетармиш**.

Тошкент машинасозлик институти маъмурияти ва «Физика» кафедрасининг коллективи кафедра профессори М. Г. Сатторовга онаси

Ҳурнисо АБДУСАТТОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи правлениеси коллективи Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи аъзоси, Ўзбекистон Телевиденисининг Бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Муҳамедовга онаси

Бозоржон АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари союзи правлениеси коллективи «Санъат» пансионатининг директори А. Аҳмедовга отаси

Ҳайитбой АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё транспорт прокуратураси коллективи меҳнат ветерани, Республикада хизмат кўрсатган юрист

Ахрор Ашрапович ХУЖАХОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04094. № 40. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12